

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
МАГИСТРАТУРАСИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

ТОХТАЕВ РАИМЖОН БАХРОМОВИЧ

**БАНКЛАРНИНГ МУАММОЛИ КРЕДИТЛАРИ ҲИСОБИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Мутахассислик: 5A230702-Банк ҳисоби ва аудит
Иқтисод магистри даражасини олиш учун**

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

**Иш кўриб чиқилди
ва химояга қўйилди.
«Банк ҳисоби ва аудит» кафедраси
мудири и.ф.н.,доц. Н.Обломуродов**

«_____» _____ 2014 й

**Илмий раҳбар:
З.Норов**

«_____» _____ 2014 й

ТОШКЕНТ - 2013

Мундарижа

Кириш.....	3
I боб. Тижорат банкларининг муаммоли кредитлари ва уларни бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш.	
1.1 Муаммоли кредитларнинг моҳияти, аҳамияти ва келиб чиқиш сабаблари.....	8
1.2 Муаммоли кредитларни тартибга солишнинг меъёрий ҳуқуқий асослари.....	14
1.3 Тижорат банкларининг муаммоли кредитларини бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш.....	22
II боб. Тижорат банкларининг муаммоли кредитларини амалдаги ҳолати таҳлили.	
2.1 Муаммоли кредитларни амалий ҳолати таҳлили.....	28
2.2 Кредит портфелини самарали бошқариш ва кредит рискларини олдини олиш амалиёти таҳлили	44
2.3 Муаммоли кредитларни бошқариш стратегиялари ва уларни амалиётда қўллаш.....	62
III боб. Тижорат банкларининг муаммоли кредитларини бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш йўллари.	
3.1 Тижорат банкларининг муаммоли кредитларини бартараф этиш йўллари.....	73
3.2 Тижорат банкларининг муаммоли кредитларини бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш йўллари.....	81
Хулоса.....	93
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	96

Кириш.

Мавзунинг долзарблиги. Инсоният турмуш тарзини банклар хизматисиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки банклар хўжалик субъектларини кредит маблағлари билан таъминлаб, ижтимоий сармояни қайта тақсимлаш жараёнида воситачи сифатида қатнашади ва жамият миқёсида умумий самарадорликни оширишга хизмат қилади.

Айнан шу жараёнда банк ва мижоз ўртасида қонун талаби ва меъёрий ҳужжатлар асосидаги, турли шакл ва усулга эга муносабатлар юзага келади. Бу муносабатлар жаҳон андазалари талабида шаклланиши ва ҳуқуқий тенглик асосида ривожланиб бориши давр талаби бўлиб, эндиликда банклар фаолиятининг ривожини бевосита мижозлар фаолиятига боғлиқдир.

Бу борада, муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов ўз нутқида « давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини ва унинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини эътиборга олган ҳолда, банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш муҳим устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Шунини таъкидлашни истардимки, банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масаласи доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда ва бу ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бироқ бу борадаги ишларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш керак. Нега деганда, айнан банклар, таъбир жоиз бўлса, бутун иқтисодиётимизни озиқлантириб турадиган қон томирлари ҳисобланади, мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги, кўп жиҳатдан, уларнинг самарали фаолиятига боғлиқ»¹, эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Маълумки, республикаимиз мустақилликка эришиши билан, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда банклар томонидан берилаётган кредитларнинг аҳамияти беқиёс даражада ошиб бормоқда. Банк кредитлари ёрдамида иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Fikr.uz

ривожлантирилмоқда, янгидан-янги корхоналар барпо этилмоқда ва аҳоли учун қўшимча иш жойлари ташкил қилинмоқда, илғор технологияга асосланган ишлаб чиқаришлар жорий этилиб, янгидан-янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Ҳар қандай тараққиёт жараёни қарама-қаршиликлар, муаммолар асосида мукаммаллашиб боради. Мамлакатимиз банклари тараққиёти жараёнини ҳам муаммолардан холи деб бўлмайди. Ушбу муаммоларнинг банк фаолиятига салбий таъсир этиш доираларини аниқлаш ва бартараф этиш биз ёшлардан ижодий изланишни талаб этади.

Ўзбекистон тижорат банклари билан аҳоли ўртасидаги кредит муносабатларининг ривожини тавсифловчи кўрсаткичлар суръатини таҳлил қилиш муаммоли кредитларнинг юзага келаётганлигини намоён қилмоқда. Бундай аҳволнинг юзага келишига сабаб бўлгувчи омиллар қаторига қўйидагиларни киритиш мумкин:

1. Ссудадан бошқа мақсадаларда фойдаланиш ёки аҳолининг банк олдидаги қарзини ўз вақтида қайтармаслик каби ҳолатларнинг тез-тез юз бериб туриши;

2. Банкнинг фоиз сиёсати, қарз олувчиларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашдаги камчиликлар ва ҳоказо.

Таъкидлаш жоизки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг юзага келишига сабаб бўлган омиллардан бири айнан банкларнинг кредитлаш амалиётлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, мазкур муаммоларнинг ўз вақтида бартараф этилмаганлиги инқирознинг авж олишига сабаб бўлди.

Шу ўринда Президентимиз ўз асарларида молиявий инқироз ҳолати ва унинг таъсирида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларга доир фикрларини давом эттириб, қуйидаги хулосани таъкидлаб ўтдилар: **«Авж олиб бораётган глобал молиявий инқироз жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди. Айни вақтда бу инқироз асосан ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматбаҳо**

қозғалар бозорларида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлигини тасдиқлади»².

Танланган тадқиқот мавзусининг **долзарблиги** шундаки, биринчидан, тижорат банклари кредит портфелининг сифат даражасининг пасайиши уларнинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир қилади, чунки кредитлаш тижорат банклари учун бирламчи аҳамиятга эга бўлган фаолият тури ҳисобланади; иккинчидан, муддатида қайтарилмаган кредитларнинг кредит қўйилмалари ҳажмидаги салмоғининг ошиши банкнинг ликвидлилигини кескин пасайишига олиб келади; учинчидан, тижорат банклари кредит портфелини самарали тарзда бошқариш хўжалик субъектларининг кредит маблағларига бўлган эҳтиёжларини қондириш имконини беради.

Мазкур магистрлик диссертацияси юқорида таъкидлаб ўтилган омиллар таъсирини пасайтириш чора-тадбирлари ҳамда кредит портфели ва уни бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирларини ўз ичига олган.

Тадқиқот вазифалари. Диссертация ишининг мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги вазифалар қуйилган:

- муаммоли кредитларнинг иқтисодий моҳиятини очиб бериш ва мустақил муаллифлик тавсифини ишлаб чиқиш;
- муаммоли кредитларнинг вужудга келиш сабабларини таҳлил қилиш;
- муаммоли кредитларни бартараф этиш бўйича хорижий тажрибани чуқур ўрганиш;
- тижорат банкларининг муаммоли кредитлар билан ишлаш жараёнини ташкил этиш босқичларини тизимлаштириш;
- муаммоли кредитларни бартараф этиш усуллари ва уларга таъсир этувчи омилларни тадқиқ этиш;
- муаммоли кредитларни бартараф этиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишл

² Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 5-б.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банклари кредит портфелини бошқариш, кредитлаш амалиётларида юзага келадиган рискларни баҳолаш ва бошқариш муаммоларини тадқиқ қилишда хорижлик олимлар Gordon J. Alexander, Chzis J. Barltop, William F. Shorpe ва рус олимлари О.И.Лаврушин, Г.С.Панова, Н.Я.Соколинская, В.М.Усоскин, З.Г.Ширинская каби етакчи олимларнинг қатор илмий ишлари бағишланган. Мазкур тадқиқотларда бозор иқтисодиёти шароитида банклар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, улар фаолиятида мавжуд муаммолар, назарий асослари киритилган.

Магистрлик диссертациясининг объекти ва предмети. Ушбу магистрлик диссертациясининг объекти бўлиб, тараққиётнинг замонавий босқичида муаммоли кредитларни бошқариш тизимини жорий қилиш ва шакллантириш жараёни ҳисобланади. Муаммоли кредитларни бошқариш тизимини шакллантириш ва ривожлантиришда жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган моделларни тадқиқ қилиш ва улардан фойдаланиш ушбу магистрлик диссертациясининг предмети ташкил қилади.

Магистрлик диссертация ишининг илмий янгилиги:

- ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Тошкент шаҳар минтакавий филиалини муаммоли кредитлари маълумотлари асосида хулосаларни шакллантириш;
- тижорат банклари муаммоли кредитларни тартибга солиш борасидаги тажрибаларини ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Тошкент шаҳар минтакавий филиалини амалиётида қўллаш юзасидан амалий тавсияларни шакллантириш;

Магистрлик диссертациясининг амалий аҳамияти. Магистрлик диссертациясида олинган хулосаларнинг амалиётда қўлланилиши тижорат банкларида кредит портфели сифатининг яхшиланиши ҳамда банк амалиётида муаммоли кредитлар билан ишлаш жараёнини такомиллаштириш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Магистрлик диссертациясининг назарий ва методологик асослари.

Магистрлик диссертациясининг назарий асослари бўлиб, муаммоли кредитларни бошқариш соҳасидаги етакчи миллий ва хорижий мутахассисларнинг ишлари ҳисобланади. Магистрлик диссертациясининг методологик асосларини Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат Статистика қўмитаси ва Марказий банки маълумотлари, Ўзбекистон даврий нашрлари, интернет маълумотлари, амалдаги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил қилади.

Магистрлик диссертациясининг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, 3 та асосий боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ишида 12 та жадвал, 1 чизма, ва 1 та диаграммадан фойдаланилган.

I боб. Тижорат банкларининг муаммоли кредитлари ва уларни бухгалтерия ҳиобини ташкил этиш.

1.1 Муаммоли кредитларининг моҳияти, аҳамияти ва келиб чиқиш сабаблари.

Тижорат банклари кредит портфелининг самарадорлик даражасини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири муддати ўтган кредитларнинг жами кредит қўйилмалари ҳажмидаги салмоғини ўзгариши ҳисобланади. Халқаро банк амалиётида бу кўрсаткичнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган мўътаддилиқ даражаси 3 фоизни ташкил қилади. Унинг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражаси эса, 5 фоиздан ошмаслиги лозим.

Агар бу кўрсаткичнинг даражаси 3 фоиздан ошса, бу ҳолат банкнинг кредит портфелини сифат даражасини ёмонлаша бошлаганлигидан далолат беради. Бу эса, ўз навбатида, кредитлардан олинадиган фоизли даромадларнинг камайишига олиб келишини англатади.

Гарчи кредитлар бўйича ҳосил қилинган захиралар кредит рискларининг амортизатори вазифасини бажарсада, банкнинг тўловга қобиллигига тўғридан-тўғри хавф солади. Чунки кредитларнинг юқори рисклилиқ даражаси банкнинг ўз маблағларини маълум қисмини йўқотилишига олиб келиши мумкин. Бизнинг фикримизча, муддати ўтган кредитлар ва кредит рискига қарши ҳосил қилинган захиралар тўғрисидаги мазкур фикр республикада банк амалиётидаги реал воқелиқни ўзида мужассам эттирган.

Тижорат банклари фаолиятида хавфли бўлган кредит қўйилмалар - бу муаммоли кредитлар шаклига кирган қўйилмалардир. Субстандарт ва ундан паст таснифланган кредитлар муаммоли кредитлар тоифасига киради.

Кредитнинг ўз вақтида қайтарилмаслигини ва шу сабабали муаммоли ссуданинг юзага келишини қуйидаги белгилар орқали билиш мумкин:

- Қарз олувчи томонидан белгиланган муддатда баланснинг тақдим этилмаслиги;
- Дебиторлик қарзнинг бирданига ўсиб кетиши;

- Қисқа муддатли активлар улушининг камайиши;
- Қисқа муддатли кредиторлик қарзларнинг непропорционал ўсиши;
- Ликвидлик коэффициентининг пасайиши;
- Активлар таркибида асосий капитал улушининг ошиши;
- Савдо ҳажмининг пасайиши;
- Муддати ўтган қарзларнинг ўсиши;
- Операцион фаолиятдан кўрилган зарарларнинг пайдо бўлиши.

Муаммоли кредитлар одатда қарз олувчининг кредитни тўлаши учун етарли пул маблағлари бўлмаган ҳолларда юзага келади. Баъзи ҳолларда улар миждознинг счётида маблағлари бўла туриб, кредитни тўлашни хоҳламаганда ҳам юзага келиши мумкин. Кредит бўлими ходимлари шу белгилар юзага келишини биринчи бўлиб сезмоқликлари ва банкни кредит бўйича йўқотишлардан сақловчи чегара бўлишлари лозим. Улар банк ва миждоз манфаатини сақлаб қолган ҳолда бу молиявий қийинчиликлардан чиқиш йўллари ишлаб чиқишга ёрдам беришлари, бошқача айтганда, банклар тўлов куни кредитни ундиришни ўйлаб ўтирмасдан, миждоз фаолиятида муаммолар юзага келган вақтдан бошлаб миждозга ёрдам беришлари, уларга таъсир кўрсатишлари зарур. Бунинг учун банк доимо миждознинг фаолиятидан бохабар бўлиши, ўзи учун зарур ахборотларни йиғиб, таҳлил қилиб бориши зарур.

Шу билан бирга, муаммоли кредитларни олдиндан аниқлаш тизимини яратиш жуда қийин ва бунда инсон омили салбий рол ўйнайди. Тижорат банкларида муаммоли кредитлар бўйича ишларни кредит бўлими ходимлари олиб боради. Бу жараённинг ижобий томони шундаки, кредит бўлими ходими шу кредитни берганлиги учун миждозни, унинг молиявий аҳволини яхши билиши мумкин. Иккинчи томондан шу банк ходими етарли назорат олиб бормаганлиги сабабли шундай муаммоли кредит юзага келган бўлиши мумкин. Яна қолаверса, бу кредит ходими шу кредит соҳасида миждозга ён бериши мумкин. Шу сабабли бу борада профессор Ш. З. Абдуллаева тижорат банкларида муаммоли кредитлар билан ишловчи махсус бўлимлар ташкил

қилишни таклиф этганлар. Ҳозирги кунда тижорат банкларида шунга ўхшаш бўлимлар ташкил қилинган бўлсада, уларнинг фаолияти таклиф қилинаётган ҳолатдан бошқа томонларини ҳам ўз ичига олади.

Кредит учун жавобгар ходим, банкни оғир ахволга олиб боргани сабабли танқидга қолмаслиги учун кредитни ёмонлашганлиги ҳақида хабар қилмаслиги мумкин. Бундан ташқари, муаммоли кредитлар аниқлаб бўлингандан кейин ҳам, бу кредитлар улар ўйланганидан ортиқча муаммоли бўлиб чиқади. Шу тарзда қимматли вақт кетади. Лекин энг ачинарлиси шуки, банк раҳбарияти ўз кредит портфелининг ушбу муаммосини яшириши билан бирга ушбу кредит билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини янги рискли кредитлар билан тўлдиришга ҳаракат қилишади. Бундай ҳолларнинг олдини олиш учун кредит бўлими фаолияти тез-тез ички аудит томонидан текширилиб туриши, муаммоли кредитлар, уларнинг сабаблари аниқланиб туриши лозим.

Маълумки, банк кредитларининг сифати банк тизими ва бутун иқтисодиётнинг ҳолатини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади. Халқаро экспертларнинг фикрича, ялпи кредит портфелида муаммоли кредитлар улушининг 10-15% дан ортиши банк секторида тизимли инқироздан дарак беради. Аксарият мамлакатлар кредит портфелининг қониқарсиз сифати муаммосини ечиш учун қатор чора-тадбирлар қўллашга мажбур эдилар.

Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотлар банклар билан уларнинг кредитларидан фойдаланувчи мижозлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқмоқда. Бироқ бу жараёнда ютуқлар билан бир қаторда ўтиш даврига хос бўлган баъзи қийинчиликлар ҳам мавжуд бўлмоқда. Бу борада ҳозирги вақтда қайтмаётган кредитлар муаммоси, айниқса, аҳамиятлидир.

Муаммоли кредитларни келиб чиқиш сабабларининг таснифланиши.

1-чизма.



Олиб борилган тадқиқотлар республикамызда муаммоли кредитларнинг аксарият қисми хорижий валютадаги инвестицион лойиҳаларни молиялашга ажратилган кредитларга тўғри келишини кўрсатди. Демак, мамлакатимызда инвестицион лойиҳаларни самарали кредитлаш масаласи бугунги кунда банк тизими олдида турган энг долзарб муаммолардан биридир.

³ Муаллиф томонидан тузилган

Ўзбекистон Республикасида муаммоли кредитлар келиб чиқишининг асосий сабабларини қуйидагича туркумлаш мумкин:

- кредит олувчининг молиявий кўрсаткичларини, кредит маблағларидан фойдаланиш бўйича бизнес-режаларини, инвестицион лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланишини паст даражада таҳлил қилиниши;
- қарздорнинг кредит маблағларидан фойдаланиши устидан мониторингни сифатсиз олиб борилиши, яъни қарздорнинг молиявий ҳолатини ёмонлашиши, пул оқимларининг салбий динамикаси ҳолатларида кредитни реструктуризациялаш ҳамда кредитнинг статусини ўзгартиришни ҳам камраб олувчи чораларни ўз вақтида кўрмаслик;
- банклар ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига турли давлат органларининг аралашуви;
- миллий валюта девальвацияси, яъни хорижий валютадаги кредитлар бўйича инвестицион давр мобайнида айирбошлаш курсларида ортиқча фарқнинг пайдо бўлиши.

Муаммоли кредитлар юзага келиш сабаблари бўйича бир-биридан фарқ қилсада, уларнинг олдини олишда қўйидаги ёндашишлар қўл келиши мумкин. Бунда:

- қарзни реструктуризация дастурини ишлаб чиқиш;
- қўшимча ҳужжатлар ва кафолатлар олиш;
- қўшимча фондларни тўхтатиш ёки қўшимча инъекция килиш;
- Гаровни сотиш;
- Бошқа активларни сотиш;
- Кафолат бўйича тўловни талаб килиш;
- Бошқарувни алмаштириш;
- Менежмент ишларини олиб бориш;
- ҳуқуқий ишларни кўриб чиқиш ва бошқалар.

Бизга маълумки, тижорат банкларининг ишончлилиги ва барқарорлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш Марказий банк томонидан

мувофиқлаштириб борилади. Шунинг учун банклар тизимининг самарали ва барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш масаласи турли мамлакатлар Марказий банкининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Ҳар бир мамлакатда бу соҳада ўрнатиладиган назорат Марказий банк томонидан тижорат банкларида уларнинг активлари бўйича мумкин бўлган йўқотишларни қоплаш учун заҳиралар ташкил қилиш ва уни доимо барқарор ушлаш масаласини қўяди.

Муаммоли кредитларнинг юзага келишига йўл қўймаслик учун кредит инспектори қуйидаги омилларга эътибор қаратиши лозим:

1. Мижоз аризасини диққат билан ўрганиб чиқиш;
2. Мижоз тақдим этган ҳужжатларни ўрганиб чиқиш ва таҳлил этиш, кредит аризасига илова қилинган зарурий ҳужжатлар ва мажбурий ҳужжатлар(қарз олувчининг молиявий ҳисоботи, кредит шартномаси, гаров шартномаси, кафиллик ва кафолат шартномалари) рўйхати.
3. Мижоз тақдим қилган ҳужжатлар асосида мижознинг молиявий ҳолатини ўрганиш ва баҳолай олиш;
4. Мижоз томонидан тақдим этилган гаров объектини тўғри баҳолаш,
5. Кредит ҳужжатларини тўғри юритиш;
6. Кредит иши учун ким масъул эканлигини белгилаш ва ҳарбир инспекторнинг ўз иши учун жавобгар бўлиши;
7. Кредит устидан доимий назоратни олиб бориб, эҳтимолий йўқотишлар хавфини олдини олиш.

Тажриба шуни кўрсатадики, кўпинча ходимлар яшираётган муаммоли ссудалар ҳатто, улар ўйлаганларидан ҳам ёмонроқ ҳолатни келтириб чиқаради. Лекин банк раҳбарияти ўз кредит портфели муаммоларидан хабардор бўла туриб уларни яширса ва шу билан бир пайтда ундан келадиган зарарни рискли кредитлар бериш ва спекулятив операциялар эвазига қоплашга уринса, аҳвол бунданда баттар ёмонлашиши мумкин.

1.2 Муаммоли кредитларни тартибга солишнинг меъёрий ҳуқуқий асослари.

Банк активларининг сифатини аниқлашга уларнинг кредит портфелини ўрнатилган меъёрлар асосида тавсифлаб чиқиш орқали эришилиши мумкин. Ўзбекистонда Марказий банк тасдиқлаган кўрсатмага асосан тижорат банклари активларини тавсифлаш ва ссудалар бўйича йўқотишлар бўйича заҳиралар ташкил қилиш амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига асосан активларни таснифлаш, муаммоли ёки ҳаракатсиз кредитлар бўйича заҳираларни ташкил қилиш амалга оширилмоқда. Бу меъёрий ҳужжатларга асосланиб банклар томонидан берилган кредитлар бўйича қарзларнинг сифати, мижознинг кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичлари, унинг молиявий ҳолати, кредит рискининг даражаси, келажакда кредитни қайтиб бериш имконияти, кредитнинг таъминланганлик даражаси, кредитни тўлаш муддатидан неча кун ўтганлиги кабиларни инобатга олган ҳолда гуруҳларга таснифланади. Кредитларни таснифлашдан асосий мақсад қарз олувчининг тўлай олиш қобилиятини ҳамда қарзнинг ўз вақтида қайтарилиши учун пул оқимининг ҳолатини баҳолашдан иборат.

Ҳозирги вақтда марказлаштирилган кредитлар давлатнинг қарорларига асосан устувор тармоқларни ривожлантириш учун миллий валютада ёки хорижий валютада берилиши мумкин.

Таснифланган кредитларнинг қайси гуруҳга кириш даражаси тез сотиладиган активлар ва юқори ликвид маблағларнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 9 ноябр 1998 йилда тасдиқланган №242-сонли «Активлар сифатини таснифлаш, мумкин бўлган йўқотишлар бўйича тижорат банклари томонидан заҳиралар ташкил қилиш ва ундан фойдаланиш қондаси»га асосан тижорат банклари томонидан бериладиган кредитлар юқорида келтирилган мезонлар бўйича

«яхши», «стандарт», «субстандарт», «шубҳали», «умидсиз» ёки ишончсиз кредитларга таснифланади.

Тижорат банки бошқаруви қарорига кўра, кредит қўмитасининг хулосаси бўйича ва банк кенгаши билан келишувига биноан ишончсиз деб топилган бешинчи синф кредитлари ссудалар бўйича эҳтимолий йўқотишларга шакллантирилган заҳира ҳисобига, заҳира етишмаган тақдирда 31203 ҳисобварақ - «таксимланмаган фойда» ҳисобига балансдан чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси банклари амалиётида «яхши кредитлар» бўйича эҳтимолий йўқотишлар бўйича заҳиралар ташкил қилинмайди.

Амалиётда тижорат банклари стандарт кредитлар бўйича - 10%, субстандарт кредитлар бўйича - 25%, шубҳали кредитлар бўйича - 50% ва ишончсиз кредитлар бўйича - 100% атрофида заҳиралар ташкил қилишлари ва юқорида келтирилган кредитлар бўйича йўқотишлар шу заҳиралар ҳисобидан қопланиши лозим.

Муаммоли кредитларни кредит амалиёти ходими томонидан дастлабки босқичларда аниқлаб топиш мақсадида уларнинг қуйидаги омилларига қараб амалга оширилади:

- а) кредитдан мақсадсиз йўналишда фойдаланиш;
- б) ҳисобланган фоизларни муддатида сўндирмаслик;
- в) кредитнинг қайтариш графиги, бизнес-режа ҳамда техник иқтисодий асослаш (ТИА) ва бошқа кредит ҳужжатларида белгиланган шартларни бажармаслик;
- г) қарз олувчининг молиявий ҳолати ёмонлашиши, балансининг ноликвидлиги, зарарлар кўрилиши;
- д) тегишлича бўлмаган назорат оқибатида, гаров сифати ва ҳолатининг ёмонлашиши, таъминот сифати ҳамда қийматини пасайтириб юборувчи яширин камчиликларнинг топилиши, гаровга олинган мулк қийматининг пасайиши натижасида, гаровнинг сотилиш эҳтимолини пасайиши, гаровни юридик жихатидан тегишли тарзда бўлмаган расмийлаштириш ёки гаровга олинган мулкни гаровни берувчи шахс томонидан сотишга уринишлар

холатларини аниқланиши, кафил, кафолат берувчи холатининг ёмонлашиши ҳамда бошқалар;

е) корхонани санация жараёнига ўтказилиши ҳамда қарз олувчини банкрот деб эълон қилиниши.

Кредит шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ҳар бир ҳолат юзасидан банк томонидан амалдаги қонунчилик талабларидан келиб чиқиб шартномаларда келишилган таъсир чоралари кўриб борилиши лозим.

Қарздор томонидан кредитнинг асосий қарзи (жумладан, қайтариш графиги бўйича) ёки фоизлар кечиктирилганда қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

а) қарздорга 10 кундан ортиқ бўлмаган муддат ичида кредит шартномаси шартларини бажариш, акс ҳолда унинг муддатидан олдин бекор қилиниши мумкинлигини баён қилиб ёзма талабнома (огоҳлантириш хати) юбориш ва бир пайтнинг ўзида кредит таъминотини ундириш чораларини бошлаш;

б) қарздор тарафидан ёзма талабнома бажарилмаган тақдирда ва кредит таъминотини гаров мулкани банкга топшириш ихтиёрий бажарилмаган тақдирда ёки бошқа тўсиқлар юзага келганда (кафилнинг ҳисобварагида маблағ бўлмаганда ёки уни тўлашдан бўйин товлаганда), 20 кундан ортиқ бўлмаган муддатда судга даъво аризаси киритиш;

в) қарздор тарафидан кредитнинг мақсадсиз ишлатилганлиги, талон-тарож қилинганлиги ёки ўзлаштирилганлиги аниқланганда ёки уни сўндиришдан бўйин товланганда, ушбу ҳолат аниқланган кундан 20 кундан кечиктирмасдан прокуратура идораларига маълумотнома киритиш;

г) иш ҳақиға берилган кредит мақсадсиз ишлатилган бўлса, бу ҳолат аниқланган кундан бошлаб 5 кун муддат ичида прокуратура идораларига маълумотнома киритиш.

Талабнома ёзма шаклда тасдиқловчи далилларни ва банкнинг талабларини аниқ баён қилган ҳолда тақдим қилинади. Талабномада ҳўжалик юритувчи субъектнинг номи, талабнома суммаси ва унинг ҳисоб-китоби,

банкнинг тўлов ва почта реквизитлари, талабномага илова қилинаётган хужжатларнинг рўйхати кўрсатилиши мумкин. Талабнома раҳбар ёки раҳбар ўринбосари томонидан имзоланиб, буюртма ёки қимматли хат тарзида ёки бошқа талабнома жўнатилганлигини қайд этадиган, бошқа алоқа воситаларидан фойдаланилган ҳолда жўнатилади ёхуд тилхат олиб топширилади.

Талабномада қуйилган талабларнинг бажарилмаслиги қарздорликни ундириш юзасидан судларга даъво ариза киритишнинг асосларидан бири ҳисобланади.

Судга даъво аризаси киритиш учун низонинг судга тааллуқлилиги аниқланади. Низонинг Хўжалик ёки Фуқаролик судига тааллуқлилиги ва унинг кўриладиган жойи Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 23-27 ва 28 моддалари, Фуқаролик процессуал кодексининг 31 ва 32-моддалари асосида аниқланади. Низолар шунингдек "Хўжалик судлари тўғрисида"ги Қонуннинг 9-11- моддалари асосида Хўжалик судида кўрилиши мумкин.

Кредит маблағларининг мақсадсиз ишлатилиши ёки бошқа ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари кузгатилган ҳолларда, қарздорликни ундириш юзасидан Ўз.Р. ЖПК нинг 275-277 - моддалари талаблари асосида фуқаровий даъво кўзғатиш зарурати келиб чиқади. Агар, юридик шахснинг мол-мулклари, гаровга қўйилган мулклари мавжудлиги аниқланса, фуқаровий даъво билан бир вақтда умумий тартибда тегишли судларга даъво киритилади.

Қарздорликни ундириш юзасидан даъво аризалари амалдаги қонунчилик талабларига риоя этган ҳолда қарздорликни ундириш билан боғлиқ барча имкониятларни қамраб олган ҳолда судларга киритилиши керак. Бунда, кредит таъминоти сифатида кафиллик ёки гаров қабул қилинган бўлса, қарздорликни кафил ёки гаров нарсасидан ва бошқа мол-мулклардан ундириш талаблари қўйилиши керак. Суд жараёнида судда қатнашувчи масъул ходимлар низога доир барча материаллар ва қонунчилик

хужжатлари билан танишган холда даъвони қўллаб-қувватлаш ва малакали химоя қилиш учун пухта тайёрланиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 мартдаги "Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3047 -сонли Фармонининг 5-бандида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан кредит бўйича уларнинг мажбуриятлари ўз вақтида бажарилмаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулк, қарз олувчининг розилигидан қатъий назар, кейинчалик сотиш ҳуқуқи билан банк мулкига ўтишлиги белгилаб қўйилган. Лекин, бу ҳуқуқ банкнинг гаров нарсасига эгалик қилиш ҳуқуқини бермайди. Шу сабабли, қарздорлар томонидан кредит бўйича мажбуриятлари ўз вақтида бажарилмаган тақдирда, гаровга қўйилган мол-мулк банкка олиб қўйилган холларда Фуқаролик кодексининг 280-моддаси ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари асосида ундирув гаровга қўйилган мол-мулкка қаратилади.

Ундирувни гаров нарсасига қаратиш жараёнида қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим бўлади:

а) ундирувни гаров нарсасига қаратишга, қўчмас мулк гаровидан ташқари, суд қарори ёки судга мурожаат қилмасдан ундирувни гаров нарсасига қаратиш асослари юзага келганидан кейин тузилган гаровга олувчининг гаровга қуювчи билан нотариал тасдиқланган келишуви асосида йўл қўйилади;

б) ундирувни гаров нарсасига суд тартибида қаратишда суднинг қарорида гаровдаги мол-мулкнинг номи, жойлашган жойи, гаров шартномасида кўрсатилган миқдордаги бошланғич сотув баҳоси кўрсатилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этилган ПФ-3047-сонли Фармонининг 5-бандида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан кредитлар бўйича қарзлар ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда тижорат банкларига, қарздорларнинг иккиламчи ҳисоб рақамига, шу жумладан уларнинг бошқа банкларда очилган иккиламчи ҳисоб рақамига

ижро этилиши мажбурий бўлган инкассо талаблари қўйиш, Хукумат кафолати остида берилган кредитларга ўз вақтида хизмат кўрсатиш учун пул маблағларини ҳисобдан чиқаришни иш хақи, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар навбати билан ўтказилгандан сўнг амалга ошириш, қарздорнинг пул маблағлари етишмаган тақдирда кредит бўйича қарзларни қарздорнинг розилигига кўра унинг ликвидли мол-мулки ҳисобидан ёки хўжалик суди орқали қарздорнинг мол-мулкига қаратиш йули билан ундириш мумкинлиги белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 декабрдаги 422-сонли қарори билан тасдиқланган "Банкларнинг кредитлари бўйича қарздорлик ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда ундирувни қарздорларнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш Тартиби" талаблари асосида банк ва қарздорнинг розилиги асосида нотариал тасдиқланган ўзаро келишуви асосида ликвидли мол-мулк ҳисобидан қарздорлик сўндирилиши ҳам мумкин. Бунда, банк томонидан кредит бўйича қарзни қарздорнинг ликвидли мол-мулки ҳисобига қайтариш тўғрисидаги ёзма битим кредит ва фоиз тўловлари бўйича қарз тўлиқ қайтарилгунгача исталган вақтда тузилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 18 январдаги "Нотариусларнинг ижро хатларига асосан қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган хужжатлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида" ги 26-сонли қарорига кура, нотариусларнинг ижро хатларига асосан қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган хужжатлар рўйхати асосида берилган ижро хатлари ижрога қаратилиши мумкин.

Қарздор (ёки кафил, гаровга қуювчи) тарафидан кредитни қоплаш мақсадида бошқа мулклар таклиф қилинганда, бу мулк томонлар иштирокида баҳоланади ва баҳолаш далалотномаси тузилади. Баҳолаш далалотномасида кўрсатилган қийматга банк ва қарздор ўртасида келишув битими тузилади. Келишув битими зарур ҳолларда банк ташаббуси билан суд тасдиғига киритилиши мумкин. Ундирув қаратилган мулк нархи бўйича томонлар келишувга эриша олмаганда, бу мулкни ундириш учун суд ижрочиларига

мурожаат қилиши ва ким ошди савдолар орқали сотишни ташкил қилиш бўйича қонунчиликда белгиланган тадбирлар амалга оширилади.

Суд қарорлари ва бошқа органларнинг ижро ҳужжатлари асосида мулкларни ундириш ва сотиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПҚ-458-сонли «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жихатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Адлия вазирлигидан 2007 йил 5 февралда 1091- сон билан рўйхатдан ўтган «Ижро ишини юритиш ва суд ижрочилари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги Низом ва Адлия вазирлигидан 2007 йил 5 февралда 1656-сон билан рўйхатдан ўтган «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишда суд ижрочиларининг судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, рўйхатдан ўтказиш органлари, молия-кредит ташкилотлари билан ҳамкорлиги тартиби тўғрисида»ги Низомларга асосан ташкил қилинади.

Қарздорлар томонидан кредит маблағлари ёки уларнинг бир қисмини мақсадсиз ишлатиш, талон-тарож қилиш ёки ўзлаштириш ҳолатлари аниқланганда ёки шундай ҳаракатларнинг аломатлари бўлганда, бундай қарздорлар тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда ишлаб чиқилган 2008 йил 14 майда 304-В-сон, 10-9-2008-сон билан рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикаси банкларида қонун бузулиш ҳолатлари бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш ва прокуратура органларига тақдим этиш тартиби" асосида ҳужжатлар расмийлаштирилиб прокуратура органларига тақдим қилиниши керак.

Юқорида баён этилган фикр ва мулоҳазалар асосида қуйидаги ҳулосаларга келиш мумкин:

- тижорат банклари фаолияти, айниқса кредитлаш жараёни риск билан боғлиқ. Шу сабабли банклар фаолиятининг барқарорлигини таъминлашда кредит портфелини оқилона бошқариш муҳим ўрин тутди.

- фикрларни ягона тизимга жамлаган ҳолда муаммоли кредитларга куйидагича таъриф бериш мумкин: кредит рискларини амалда яққол намоён бўлишининг натижаси бўлиб, объектив ва субъектив сабабларга кўра, кредит шартномаси шартларининг бузилиши оқибатида, “субстандарт”, “шубҳали” ҳамда “умидсиз” кредитлар категориясига ўтиб қолган кредитлар муаммолидир.

Муаммоли кредитлар билан ишлаш фаолиятини тизимли равишда олиб бориш мақсадида, муаммоли кредитларни: муддати, сифати, таъминоти, ресурс манбаси ва кредитни бериш тўғрисидаги қарорни қабул қилувчи субъекти каби асосий йўналишлар бўйича таснифлаш мақсадга мувофиқ.

Муаммоли кредитларни юқоридаги йўналишлар бўйича таснифлаш уларни бартараф этиш учун ишларни тўғри ва самарали режалаштиришга ёрдам беради. Банк амалиёти кўрсатишича, кредитни қайтаришга қаратилган чоратadbирларни ишлаб чиқишда кредит бўйича ундирувни нимага қаратиш лозимлигини аниқлаб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Кредитлаш жараёнларида Банк кредит кўмиталарининг, айрим ҳолларда, ўз ваколати ва вазифасига совуққонлик ва маъсулиятсизлик билан қараш ҳоллари юз бермоқда. Бу омил тижорат банклари кредит бериш механизмининг асосий боғловчи ва муҳим элементидир. Бошқачароқ қилиб айтганда, айнан кредит кўмитаси кредит бериш жараёнида ҳал қилувчи ролни бажаради. Ўзбекистон Республикаси пул-кредит комиссиясининг 1995 йил 10 июль 1210-76-сонли мажлис баённомасига асосан, республика Марказий банки томонидан тайёрланган "Кредит кўмитаси тўғрисида"ги Низом талабларини ҳозирда тижорат банклари кредит кўмиталари томонидан амалда факатгина расмийчилик юзасидангина бажариш ҳоллари ҳамон учраб турмоқда

1.3 Тижорат банкларининг муаммоли кредитларини бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш.

Кредитлар бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш Адлия вазирлигида 2004 йил 13 августда 773- сон билан рўйхатдан ўтган «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси», банк Кенгаши томонидан тасдиқланган Ҳисоб сиёсати ва Банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган “Мижозларини кредитлаш операциялари бухгалтерия ҳисобини юритиш” Тартиби асосида амалга оширилади.

Алоҳида ссуда ҳисобварақлари бўйича берилган кредитлар кредит амалиёти бўлими фармойишига асосан кўзда тутилмаган ҳолатлар 91901 "Қарздорларнинг қисқа муддатли кредитлар бўйича мажбуриятлари" ёки 91905 "Қарздорларнинг узоқ муддатли кредитлар ва лизинглар бўйича мажбуриятлари" ҳисобварағида тўлиқ сўндирилгунга қадар ҳисоби юритиладиган муддатли мажбурият билан расмийлаштирилади. Кредитнинг қисман сўндирилиши муддатли мажбуриятнинг орқа қисми санаси, сўндириш суммаси ҳамда сўндирилмаган қолдиқ суммасини кўрсатган ҳолда ёзиб борилади ва кредит тўлиқ сўндирилганда балансдан чиқарилади.

Кредит таъминотида мулк гарови сифатида қабул қилинган ҳужжатлар 94502 "Гаров сифатида олинган мулклар ва мулкый ҳуқуқлар(талаб)", қимматли қоғозлар гарови сифатида 94501 "Гаров сифатида олинган қимматли қоғозлар", кафиллик ва кафолатлар сифатида 94503 "Гаров сифатида олинган кафолат ва кафилликлар" балансдан ташқари ҳисобварақларда номинал қиймати бўйича ҳисоби юритилади ва кредит тўла сўндирилгандан сўнг улар ҳисобдан чиқарилади.

Кредит таъминоти учун қабул қилинган таъминотларнинг кассага тўғри ва ўз вақтида кирим ва чиқим қилиниши бош бухгалтер ва Кредитлаш бўлими бошлиғи томонидан ҳар ойда камида бир марта ўрганиб чиқилиб, унинг натижаси алоҳида маълумотномада акс эттирилиб борилади.

Кредит таъминотида берилган гаров шартномаси, кафилик шартномаси ўз вақтида кирим қилиниши ва чиқим қилинишини таъминлаш мақсадида бош бухгалтер, кредитлаш бўлими бошлиғи ва касса мудирини берилган кредитлар ҳамда уларнинг кассада сақланаётган таъминотлари ҳолати юзасидан мунтазам равишда лекин ҳар ойда камида бир марта далолатнома тузишлари лозим.

Ажратилган кредитларга фоизлар ҳисоблаш Адлия вазирлиғи томонидан 2004 йил 30 январда 1306-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида»ги Низомга мувофиқ кунлик асосда 16309 "Кредитлар бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар" ва 16323 "Лизинг (молиявий ижара) бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар" баланс ҳисобварағларида ҳисоблаб борилади. Фоизларни ундириш кредит шартномасида кўзда тутилган муддатлар ва даврийликда амалга оширилади.

Ҳисобланган, лекин муддатида тўлаб берилмаган фоизлар 16377 "Шартномага кўра ҳисоблаб ёзилган, бироқ муддатида тўланмаган олиниши лозим бўлган фоизлар" баланс ҳисобварағига ўтказилади ва ҳисоб юритилади. Муддати ўтган фоизлар юзага келганда, улар бўйича қарздорликнинг қолдиғи банк томонидан тўлов талабномаси билан расмийлаштирилади ва календар навбати учун 2 сонли картотекага (90963-баланс ҳисобварағига) жойлаштирилади. Бунда, фоизлар кредитнинг асосий қарзидан аввал сундирилади.

Асосий қарзнинг қайтарилиши ёки фоизларнинг тўланиши қисқа муддатли кредитлар бўйича 60 кун, узоқ муддатли кредитлар бўйича 90 кун ва ундан зиёд муддатларда кечиктирилган кредитларга Адлия вазирлиғи томонидан 2004 йил 24 январда 1304-сон билан рўйхатдан ўтказилган "Тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоизларни ўстирмаслик сиёсати тўғрисида Низом"га мувофиқ, банк кредит комиссиясининг қарорига асосан "ўстирмаслик" мақоми берилиши мумкин. Кредитга "Ўстирмаслик" мақоми берилган пайтдан бошлаб унга ҳисобланган, аммо ундирилмаган барча фоизлар балансдан ҳисобдан чиқарилиши ва балансдан ташқари

ҳисобварақларга олиниши лозим. Мазкур кредитлар бўйича фоизларни бундан сўнгги ҳисобланиши, шартнома шартларига мувофиқ балансдан ташқари 91501 "Берилган кредитлар ва лизинглар бўйича ҳисобланган фоизлар" ҳисобварақларида амалга оширилади.

Ажратилган кредитнинг ва таъминотнинг ҳолатидан келиб чиқиб уни таснифлаш Адлия вазирлигидан 1999 йил 11 февралда 632-сон билан рўйхатдан ўтган «Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, улар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захираларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш» Тартибига мувофиқ амалга оширилади.

Банк кредит портфелида кредитлар ҳолатига кўра муддатли, муддати узайтирилган ҳамда муддати ўтган кредитларга бўлинган ҳолда юритилиши керак. Ўз навбатида, муддати ўтган кредитлар портфелда «муддати ўтган» ва «суд жараёнида» ва балансдан ташқари «кўзда тутилмаган ҳолатлар» тегишли ҳисобварақларда юритилади.

Таъминланганлик даражасига қараб, кредитлар банк кредит портфелида яхши таъминланган, тўлиқ таъминланмаган ва таъминланмаган кредитлар тоифасига бўлиниши мумкин.

Банкдаги барча кредитлар уларнинг сифатига қараб «яхши», «стандарт», «субстандарт», «шубхали» ва «умидсиз» категориялари бўйича қуйидаги шартлар бўйича таснифланиб борилади:

а) «яхши» кредитлар - ўз вақтида қайтарилишига шубҳа бўлмаган, қарзни қоплаш учун етарли пул оқимиغا эга, таъминоти хатардан холи, яхши кафолатланган кредитлар бўлиб, улар бўйича эҳтимолий йўқотишларга захира қилинмайди;

б) «стандарт» кредитлар - молиявий аҳволи барқарор ҳисобланиб, айрим сабабларга кўра, вақти-вақти билан тўловларни 30 кунгача кечиктириб қайтаради, аммо у етарли даражада кафолатланмаган кредитлар бўлиб,

уларга кредит (қолдиқ асосий қарз) суммасининг 10 фоизи миқдоригача захира яратилади;

в) «**субстандарт**» кредитлар - келгусида тўловга лаёқатли лекин, 30 кундан ортиқ муддатга кечиктирилган кредитлари мавжуд таъминоти билан боғлиқ хужжатларда камчиликлар мавжуд бўлган, кредитни қайтаришда маълум даражада хатар бор. Бу кредитлар бўйича 25 фоиз миқдорида захира яратилади;

г) «**шубхали**» кредитлар - қайтариш муддати 180 кунгача кечиктирилган, таъминоти (гаров) билан боғлиқ хужжатларда камчиликлар билан биргаликда, қайтарилиш хатари даражаси жуда юқори, шунга кўра бу кредитларга 50 фоиз миқдорида захира яратилади;

д) «**умидсиз**» кредитлар - қайтарилмаслиги аниқ булган ва уларни банк активлари сифатида ҳисобда сақлаш мақсадга мувофиқ бўлмаган кредитлар бўлгани учун уларга 100 фоиз миқдорида захира яратилади.

Қуйидаги ҳолатларнинг жуда бўлмаганда бири мавжуд булган қуйидаги кредитлар реструктуризация қилинган кредитларга киради:

а) фоиз ставкасининг камайтирилиши ёки ҳисобланган фоизларни ундириб олинмаслиги;

б) жами асосий қарзнинг камайтирилиши ёки ундан воз кечилиши;

в) кредитнинг тўлаш муддати кечиктирилиши ёки узайтирилиши;

г) фоизларга доир тўловларнинг бир қисми ёки умумий миқдоридан воз кечиш.

Филиал кредит комиссиялари доимий равишда йилнинг ҳар чорагида камида бир марта ажратилган кредитларни уларнинг ҳолатидан келиб чиқиб таснифлаб бориши ва бу тўғрисида ўзининг қарорини қабул қилишлари лозим. Кредит комиссиялари ҳар чорақда камида бир марта банк кредит портфелининг умумий аҳволига бағишланган алоҳида йиғилишида берилган барча кредитларни ялпи равишда ёки уларнинг бир гуруҳини таснифлашлари ва уларга доир тегишли чора-тадбирларни белгилашлари лозим.

Банк кредит портфелидаги активларни «умидсиз», деб таснифлаш масаласи ҳар бир қарздор бўйича алоҳида кўриб чиқирилиши лозим. Бунинг учун филиал кредит комиссияси томонидан ёзма хулоса тайёрланади ва қуйидаги ҳужжатлар тўплами шакллантирилади:

а) кредит олган корхона ва унинг раҳбарлари тўғрисида тўлиқ маълумотнома;

б) ажратилган кредит миқдори, фоизлари, ҳисобланган жарималар ва уни ундириш билан боғлиқ банк харажатлари, кредит ажратилгач унинг сарфланиши мақсадли ёки мақсадсиз ишлатилиши ҳолатлари;

в) кредит бўйича амалга оширилган (амалга оширилиши лозим бўлган) лойиха ва унинг амалга оширилмаслиги (тўхтаб қолиши ва бошқалар) сабаблари;

г) кредит таъминоти ва уни ундириш ҳамда сотиш бўйича қилинган чора-тадбирлар;

д) кредит ажратишда иштирок этган комиссия аъзолари ва бошқа банк ходимлари ва уларнинг фаолиятига берилган баҳо;

е) кредитни ундириш бўйича амалга оширилган тадбирлар шу жумладан, судга киритилган даъво аризалари натижаси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига банк томонидан қилинган мурожаатлар ва уларнинг натижаси;

ж) қарздорнинг мол-мулки ундирилганлиги, уни ундириш имконияти йўқлиги ёки мол-мулки йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома;

з) қарздор корхонанинг тугатилганлиги, қарздорнинг вафот этганлиги (бедарак йўқолганлиги ва бошқалар), жиноий жавобгарликка тортилганлиги ва бошқа мажбуриятни бажаришга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар. Филиал кредит комиссияси томонидан кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ шакллантирилгач, у тўғрисида тегишли қарор қабул қилиб, Бош банк Кредит қўмитасига юборилади. Кредит комиссияси қарори Қўмита томонидан маъқуллангандан сўнг у банк Бошқаруви муҳокамасига киритилади. Кредитни «умидсиз», деб таснифлаш тўғрисида Бошқарув якуний қарор

қилган тақдирда, у бўйича тегишли бухгалтерия амаллари бажарилиб, у баланسدан ташқари ҳисобварақга ўтказилишга рухсат берилади.

Кредит қарзлари ва унга ҳисобланган фоизларнинг «умидсиз», деб таснифланиши ва банк балансидаги активлардан чиқарилиши бу қарзларнинг воз кечилиши ҳисобланмайди. Шунинг учун бундай қарздорлик баланسدан чиқарилган вақтдан бошлаб 5 (беш) йилдан кам бўлмаган муддат давомида баланسدан ташқари ҳисобрақамда акс эттирилиши ва бу қарздорликни ундириш бўйича тадбирларни давом эттириши шарт. Агарда, кўрсатилган 5 йил муддат ичида қарздор кредитни тўлиқ ёки қисман тўлаш имкониятларига эга бўлиб қолса, бу кредит (ёки унинг бир қисми) тикланиш жараёнидаги кредит сифатида таснифланиши мумкин. Банк ундириш имконияти бўлган қарздорлик (мажбурият) тўлиқ суммасини тўғри акс эттириш учун мазкур активга баланс ортида фоизлар ҳисоблаб ёзишни давом эттириши мумкин. Бунда банк мунтазам равишда, бир ойда камида бир марта, қарздорга баланسدан ташқари ҳисоблаб ёзилган фоизлар бўйича муддати ўтган қарзнинг мавжудлигини тасдиқловчи кўчирмани юбориши лозим. Ушбу кўчирмалар банкнинг муддати ўтган қарзларни ундириб олиш бўйича (даъво қилиш муддати давомида) суд органларига мурожаат этиши учун асос булади.

Агарда, «умидсиз» актив ҳисобдан чиқарилгандан кейин 5 йил ўтгандан сўнг ҳам ундириш имконияти бўлмаса, филиал кредит комиссиясининг ва кредит Қўмитаси таклифи асосида Бошқарув қарори билан бундай қарздорлик баланسدан ташқари ҳисобрақамдан чиқарилади.

II боб. Тижорат банкларининг муаммоли кредитларини амалдаги ҳолати таҳлили.

2.1 Муаммоли кредитларни амалий ҳолати таҳлили.

Кредит портфелини бошқаришда асосий ўринни алоҳида олинган ссудаларнинг сифатини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва уларни баҳолаш эгаллайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида хорижий мамлакатларда кредит муносабатларини ривожланиши берилган кредитлар сифатини баҳолаш мезонларининг кенгайишига олиб келди. Жаҳон амалиётида банклар томонидан берилган кредитларнинг сифатини баҳолашнинг 10 хилдан ортик йўналишлари мавжуд. Кредитнинг сифатини баҳолаш кредитнинг мақсади, уни тўлаш усули, мижознинг кредитга лаёқатлилиқ даражаси, унинг қайси тармоққа тааллуқли эканлиги ва мулк шакли, мижознинг банк билан муносабатининг характери, банкнинг мижоз тўғрисида тўлиқ ахборотга эга эканлиги ва унинг етарлилиги даражаси, ссудаларнинг таъминланганлиги, ҳажми ва бошқа мезонлар киради.

Россияда кредитлар сифатини баҳолаш кўрсаткичлари чекланган бўлиб, ҳозирги кунда Россия Марказий банки йўриқномасига биноан бу соҳада иккита мезон қўлланилади. Булар ссудани қайтаришни таъминлаш даражаси ва олдиндан берилган ссудаларни тўлашнинг ҳақиқий ҳолати ҳисобланади.

Банк активларининг сифатини аниқлашга уларнинг кредит портфелини ўрнатилган меъёрлар асосида тавсифлаб чиқиш орқали эришилиши мумкин. Ўзбекистонда Марказий банк тасдиқлаган кўрсатмага асосан тижорат банклари активларини тавсифлаш ва ссудалар бўйича йўқотишлар бўйича заҳиралар ташкил қилиш амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига асосан активларни таснифлаш, муаммоли ёки ҳаракатсиз кредитлар бўйича заҳираларни ташкил қилиш амалга оширилмоқда. Бу меъёрий ҳужжатларга

асосланиб банклар томонидан берилган кредитлар бўйича қарзларнинг сифати, миқдорнинг кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичлари, унинг молиявий ҳолати, кредит рискининг даражаси, келажакда кредитни қайтиб бериш имконияти, кредитнинг таъминланганлик даражаси, кредитни тўлаш муддатидан неча кун ўтганлиги кабиларни инобатга олган ҳолда гуруҳларга таснифланади. Кредитларни таснифлашдан асосий мақсад қарз олувчининг тўлай олиш қобилиятини ҳамда қарзнинг ўз вақтида қайтарилиши учун пул оқимининг ҳолатини баҳолашдан иборат.

Ҳозирги вақтда марказлаштирилган кредитлар давлатнинг қарорларига асосан устувор тармоқларни ривожлантириш учун миллий валютада ёки хорижий валютада берилиши мумкин.

Таснифланган кредитларнинг қайси гуруҳга кириш даражаси тез сотиладиган активлар ва юқори ликвид маблағларнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 9 ноябр 1998 йилда тасдиқланган №242-сонли «Активлар сифатини таснифлаш, мумкин бўлган йўқотишлар бўйича тижорат банклари томонидан захиралар ташкил қилиш ва ундан фойдаланиш қоидаси»га асосан тижорат банклари томонидан бериладиган кредитлар юқорида келтирилган мезонлар бўйича «яхши», «стандарт», «субстандарт», «шубҳали», «умидсиз» ёки ишончсиз кредитларга таснифланади.

1- жадвал.

Кредитларнинг сифати бўйича шакллантирилиши лозим бўлган захиралар меъёри.¹⁶

Кредитларнинг сифати бўйича синфлари	Эҳтимолий йўқотишлар бўйича захиралар ажратиш меъёри
Яхши	-
Стандарт	10%
Субстандарт	25%
Шубҳали	50%
Умидсиз	100%

¹⁶ ЎзР Марказий банкининг «Активлар сифатини таснифлаш, мумкин бўлган йўқотишлар бўйича тижорат банклари томонидан захиралар ташкил қилиш ва ундан фойдаланиш қоидаси», 9 ноябр 1998 й, №242.

Тижорат банки бошқаруви қарорига кўра, кредит кўмитасининг хулосаси бўйича ва банк кенгаши билан келишувига биноан ишончсиз деб топилган бешинчи синф кредитлари ссудалар бўйича эҳтимолий йўқотишларга шакллантирилган захира ҳисобига, захира етишмаган тақдирда 31203 ҳисобварақ - «тақсимланмаган фойда» ҳисобига балансдан чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси банклари амалиётида «яхши кредитлар» бўйича эҳтимолий йўқотишлар бўйича заҳиралар ташкил қилинмайди.

2-жадвал

ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк” нинг кредит портфели сифат жиҳатдан таҳлили⁴

Кўрсаткичлар номи	01.01.12й		01.01.13й		01.01.14й	
	Сумма, млрд.сўм	Жамига нисбатан %	Сумма, млрд.сўм	Жамига нисбатан %	Сумма, млрд.сўм	Жамига нисбатан %
Кредит портфели классификацияси	1,626,991.4	100,0	1,852,780.2	100,0	2,437,783.0	100,0
Яхши	1,442,034.4	88,6	1,697,234.1	91,6	2,211,126.2	90,7
Стандарт	126,154.2	7,8	83,914.1	4,5	118,369.4	4,9
Субстандарт	20,769.4	1,3	39,298.9	2,1	42,210.0	1,8
Шубҳали	34,311.7	2,1	27,132.7	1,4	33,093.1	1,4
Ишончсиз	3,721.7	0,2	5,200.4	0,4	32,984.3	1,2
Кредитлар бўйича яратилган заҳиралар қолдиғи	38,713.8	2,3	33,716.5	1,8	72,609.4	2,9

ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк”нинг кредит портфелини сифат жиҳатдан таҳлил қилар эканмиз, банк кредит портфелини асосий қисми яхши кредитларга тўғри келади. Жами кредитлар таркибида яхши кредитларнинг йиллар давомида ўсиб бориши ижобий ҳолат лекин, ишончсиз кредитларнинг ҳам ўсиш тенденциясига эга эканлиги банк кредит сиёсатида айрим муаммолар мавжуд эканлиги билан белгиланади.

⁴ ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк”нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида ҳисобланди.

**Мамлакатимиз тижорат банкларида муддати ўтган кредитлар
таркиби динамикаси⁵
(01.01.2014й. ҳолатига)**

Кўрсаткичлар	2012 й			2013 й		
	млн. сўм.	кредит га нисбат ан % да	активга нисбата н % да	млн. сўм.	кредитг а нисбата н % да	активга нисбата н % да
1. Кредит портфели - жами	13344487	100,00	51,20	17951563	100,00	54,97
шундан:						
- муддати ўтган қарздорлик	257317	1,93	0,99	277967	1,55	0,85
2. Номолиявий ташкилотларга берилган кредитлар	10946836	82,03	42,00	14366566	80,03	43,99
шундан:						
- муддати ўтган қарздорлик	251858	1,89	0,97	270757	1,51	0,83
3. Бошқа банкларга берилган кредитлар	31	0,00	0,00	2262	0,01	0,01
шундан:						
- муддати ўтган қарздорлик	-	0,00	0,00	-	0,00	0,00
4. Давлат ташкилотларига берилган кредитлар	164	0,00	0,00	-	0,00	0,00
шундан:						
- муддати ўтган қарздорлик	-	0,00	0,00	-	0,00	0,00
5. Жисмоний шахсларга берилган	2397620	17,97	9,20	3582735	19,96	10,97
шундан:						
- муддати ўтган қарздорлик	5459	0,04	0,02	7210	0,04	0,02

Жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, мамлакатимиз тижорат банклари томонидан турли хил соҳаларга кредитлар ажратилган. Шундан 2012 йилда мижозларга тақдим этилган кредитлар таркибида муддати ўтган кредитлари жами кредитларга нисбатан 1,93 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 1,55 фоизни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 0,38

⁵ “Ahbor-Reyting” агентлиги маълумотлари. 2014 йил февраль.

фоизга пасайган. Шунингдек, жисмоний шахсларга берилган кредитлар таркибида муаммоли кредитлар ўзгармай қолганлиги ушбу йўналишда банкларимиз томонидан бир қатор ишлар қилиниши лозим эканлиги билан изоҳланади. Бу асосан жисмоний шахсларни кредитга лаёқатлилигини тўғри баҳолаш лозимлигини, кредитга лаёқатлиликини белгилашда халқаро тажрибалардан кенг фойдаланиш лозимлигини, хусусан, “Скоринг” усулидан самарали фойдаланиш орқали жисмоний шахслар кредитга лаёқатлилигини тўғри баҳолашга эришиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Умуман банклар фаолиятида миқдорларни кредитга лаёқатлилигини баҳолаш тизимини такомиллаштириб борилиши, банкларнинг муаммоли кредитларини юзага келиш хавфини камайтиради. Умуман банкларда муаммоли кредитларнинг юзага келиши ва ушбу кредитларни хўжалик судлари томонидан ундириб олишга қаратилиши банклар учун қўшимча вақт ва харажат талаб қиладиган жараён бўлиб ҳисобланади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 29 декабрда «Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низомига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги 36/2-сонли қарори қабул қилинди.

Марказий банкнинг ушбу Низомига банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги тавсиялари асосида тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган бўлиб, улар босқичма-босқич амал қилиб бошлайди.

Хусусан, янги тартибга асосан банк баланси активлари таваккалчилик даражаси беш гуруҳга бўлиниб, 150 фоизлик таваккалчилик коэффиценти қўшимча жорий қилинди. Яъни, суд жараёнидаги ва (ёки) белгиланган тартибда ундирилмаган активларга 150 фоизли таваккалчилик даражаси қўлланилади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Марказий банк юқорида келтирилган Низом ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг 52-моддаси ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ банклардан банк фаолияти, иқтисодий

вазият ва молиявий аҳволига хос таваккалчиликка қараб капитал етарлилигининг янада юқори коэффициентлари таъминланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Бундай таваккалчиликларга қуйидагилар кириши мумкин:

- банкнинг кредит портфелидаги муаммоли кредитлари улушининг юқорилиги;
- банк зарар билан фаолият юритиши;
- активлар суммасининг кескин ўсиши;
- фоиз ставкалари бўйича юқори даражали таваккалчиликнинг юзага келиши;
- юқори таваккалчиликка эга бўлган фаолият билан шуғулланиши;
- банк омонатчилари ва кредиторлари манфаатларига реал хавф туғдирувчи бошқа фаолиятларни амалга оширилиши.

Юқорида келтирилган қоидаларнинг жорий қилиниши тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини ошириш имкониятларини яратади, пировардида тижорат банкларининг омонатчилари ва кредиторларининг манфаатларини янада ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Таҳлил этиб ўтилган бош банклар молиявий ҳисоботлари кўрсаткичларида кредит амалиётларидан олинаётган натижавий кўрсаткичлар ўзгаришининг сабабини аниқлаш мақсадида тижорат банкларининг даромад келтирмайдиган ҳаракатсиз ва муаммоли кредит тоифасига кириб қолган кредит муносабатларини бирламчи ҳужжатлар асосида ўрганиш орқали банкларда кредитлаш жараёни қандай йўлга қўйилганлигини ҳамда кредит рискларининг юзага келиш сабаблари ҳақида хулоса олишга имкон беради.

4-жадвал

**Республикаимиз тижорат банклари томонидан банк активлари
бўйича ташкил этилган захира тўғрисида солиштирма маълумот⁶**

№	Банк номи	01.01.2013 йил ҳолатига	01.01.2014 йил ҳолатига	ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўзгариши	
				(+;-)	%
1	Саноатқурилиш банк	115 506	157 225	41 719	136,1%
2	Миллий банк	143 530	151 251	7 721	105,4%
3	Асака банк	52 906	105 301	52 395	199,0%
4	Трастбанк	2 028	56 198	54 170	2771,1%
5	Ипак Йўли банк	18 714	23 967	5 253	128,1%
6	Ипотека банк	19 483	22 626	3 143	116,1%
7	Ҳамкор банк	10 162	16 982	6 820	167,1%
8	Азия Альянс банк	1 639	12 167	10 528	742,4%
9	Капитал банк	634	9 801	9 167	1545,9%
10	Халқ банки	8 645	9 278	633	107,3%
11	Қишлоқ қурилиш банк	33 716	72 609	38 893	215,4%
12	Агробанк	14 939	6 316	- 8 623	42,3%
13	Алоқабанк	2 737	2 215	- 522	80,9%
14	Турон банк	2 274	2 044	- 230	89,9%
15	KDB Bank Uzbekistan	1 400	1 609	209	114,9%
16	Савдогар банк	1 694	1 176	- 518	69,4%
17	Микрокредит банк	3 490	989	-2 501	28,3%
18	Инвест Финанс Банк	139	522	383	375,5%
19	Туркистон банк	289	234	-55	81,0%
20	УТ банк	44	194	150	440,3%
21	Давр банк	366	75	-291	20,5%
22	Hi-tech bank	371	57	- 14	15,4%
23	Равнақ банк	41	26	- 15	64,4%
24	Ориент-финанс банк	303	10	- 293	3,3%
25	Универсал банк	197	5	- 92	2,5%
26	Садерат	0	0	-	100,0%
27	Амирбанк	0	0	-	100,0%
	Жами	435 247	652878	217 631	150%

Жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, республикаимиздаги тижорат банклари томонидан ажратилган заҳиралар аксарият банкларда ўсиш тенденциясига эга. Траст банк ва Капитал банкда ўтган йилга нисбатан

⁶ Тижорат банкларининг ҳисобот маълумотлари асосида тузилди.

жорий йилда ўсиш тенденцияси жуда ҳам юқори. Траст банкда ўтган йилга нисбатан 2771,1%, Капиталбанкда 1545,9%га тенг бўлган. Айрим банкларда ушбу ҳолат пасайиш тенденциясига эга бўлган. Ориент-финанс банк, Универсал банк, Hi-tech bank, Давр банк, Микрокредитбанкларда ажратилган захиралар миқдори пасайиш тенденциясига эга бўлган. Ушбу ҳолатни ҳар хил изоҳлаш мумкин. Биринчидан, ушбу банкларда кредитлаш жараёни тўғри ташкил этилган, иккинчидан, ушбу банкларда кредитлаш жараёни ҳажми пасайиб кетган. Умуман олганда, активларга нисбатан ажратилаётган захиралар миқдори банкнинг бевосита даромадларига таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда тижорат банклари кредит портфелининг маълум бир қисмини муаммоли кредитлар ташкил этади. Ажратилган кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларнинг олдини олиш мақсадида, тижорат банкининг кредит портфели доимий равишда таснифланиб боради. Кредитларни ўз навбатида 5 турга, яъни яхши, стандарт, субстандарт, шубҳали ва умидсиз кредит турларига таснифлаш мумкин. Шубҳали ва умидсиз кредит деб таснифланган кредитлар муаммоли кредитлар деб қаралади. Муаммоли кредитлар тижорат банклари фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Чунки, муаммоли кредитлар тижорат банкининг фойда олиб келадиган активларини камайтиради, бу эса ўз навбатида, банкнинг истиқбол режаси кўрсаткичларига эриша олмаслигидан далолат беради. Банкларнинг кредит портфелини диверсификациялашдан мақсад ҳам шу, муаммоли кредитларнинг юзага келишига йўл қўймаслик банкнинг кредит сиёсати соҳасидаги стратегияни ишлаб чиқиш, кредитларнинг сифатини таҳлил қилиш, ва уни яхшилаш учун турли йўллари излашдан иборатдир.

Ссуда активларини таҳлил қилиш банкнинг кредит портфелини сифати тўғрисида ахборот бериши мумкин. Банк кредитларининг умумий белгилари ва хусусиятларига қараб кредит портфелини таснифлаб, мумкин бўлган йўқотишларни қоплаш бўйича яратиш лозим бўлган захира суммаси аниқланади. Йўқотишларни қоплаш мақсадида ташкил қилинадиган захиралар миқдорининг барча банклар учун бир хиллигини таъминлаш учун

мумкин бўлган йўқотишларни қоплаш учун ташкил қилинган заҳиранинг банкнинг устав ва заҳира капиталарига нисбатини белгилаб берувчи кўрсаткични ҳисоблаш лозим. Шу нисбат асосида тижорат банки активлар портфелининг сифатини «ўта кучли»дан «қониқарсиз»гача баҳолаш ва кредит портфелининг сифатига I-V бўлган рейтинг баллини бериш мумкин.

Кредит портфелининг сифатини баҳолашда ягона ёндашувга эришиш мақсадида келтирилган рейтингга қўшимча равишда кредит портфелининг ишончлилигини аниқлашнинг балли тизимидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун авваламбор кредитнинг қайтарилмаслик riskини ҳисоблаш лозим. Бу кўрсаткич (R_k) ни эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун ташкил қилиниши зарур бўлган заҳиралар суммасини (PC) кредит портфели суммаси (K_p) га бўлиш йўли билан аниқлаш мумкин:

$$R_k = PC / K_p * 100\%$$

Кредитнинг қайтарилмаслик riskи асосида, биз тижорат банкининг кредит портфели сифатига қуйидагича рейтинг баҳоларни беришимиз мумкин.

5-жадвал.

Кредит портфелининг сифатини баҳолаш мезонлари¹⁸.

Кредитнинг қайтарилмаслик riskи	0-4,0	4,1-8,0	8,1-12,0	12,1-16,0	16,1-20,1
Рейтинг баҳо(балл)	1	2	3	4	5
Кредит портфелининг сифат даражаси	ўта кучли	кучли	ўртача	хавфли	қониқарли

Банк кредит портфели «4,1» ва ундан юқори баллга баҳоланса, банкда кредит бўйича riskни юзага келиш муаммоси борлигини кўрсатади. Бу эса, вақтида чора кўрилмаса, risk даражасининг ошиб кетиши банк учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тўғрисида хулоса қилишига асос бўлади. Бундай банклар фаолиятини ЎзР Марказий банки назорат қилиб

¹⁸ www.bank.uz сайти маълумотлари.

бориши, мажбурий захиралар бўйича талабларни ошириш каби чоралар кўриши мумкин.

Тижорат банкининг кредит портфелини сифат даражаси банк томонидан бериладиган кредитнинг таъминланганлигига ҳам боғлиқ. Бу таъминланганликнинг бўлиши берилган кредит бўйича рискнинг юқори ёки паст бўлишини белгилаб беради. Агар берилган кредит муаммоли таъминотга эга бўлса ва ушбу таъминотнинг қиймати қайтарилмаган қарз миқдоридан кам бўлса, бу ҳолда ушбу кредит «шубҳали» ёки «ишончсиз» деб тавсифланади. «Шубҳали» ёки «ишончсиз» деб таснифланган муаммоли кредит таъминотга эга бўлмаса, лекин баъзи бир аниқ омиллар асосида яқин келажакда қисман қопланиш эҳтимоли бўлса, у ҳолда бундай ссуда юқорида айтиб ўтилган қопланиш эҳтимоли бўлган тўланмаган қарз миқдорида шубҳали деб, қарзнинг қолган қисми эса «ишончсиз» деб тавсифланади. Кредит портфелининг сифат даражасини қуйидаги босқичлар бўйича таҳлил қилиш мумкин.

- 1- таъминланганлик даражаси;
- 2- ҳақиқий тўлаш ҳолати бўйича;
- 3- ҳар бир кредитнинг риск даражаси бўйича;
- 4- кредитларнинг тури гуруҳи бўйича;
- 5- кредит портфелининг умумий рискин аниклаш;
- 6- кредит портфелининг сифати бўйича захира фондлар ташкил қилиш;
- 7- кредит портфелининг ҳолати бўйича банкнинг келгуси кредит сиёсатини ишлаб чиқиш.

Тижорат банкларининг кредит портфелининг сифати пастлиги тўғрисидаги маълумотлар банк томонидан берилган кредитларнинг салмоқли қисмини ундириб олишда муаммолар мавжудлигидан далолат беради. Банк фаолиятига ишончсиз кредитлар салбий таъсир кўрсатади. Улар банк даромадининг камайишига, банкнинг молиявий аҳволининг ёмонлашувига олиб келади.

Баъзи банкларда кредитланадиган объектлар бўйича кредитларнинг узоқ муддатлилиги, кредитлар бўйича кафолатланган таъминотнинг йўқлиги, берилган кредитлар бўйича рискнинг юқори бўлишига асос бўлади. Ундан ташқари, инвестицияланган объектлардан кўплари янги қурилаётган объектлар бўлиб, уларнинг қурилишини олиб бораётган қурувчи ташкилотлар бўлиб, маблағлар сарфига жавоб берувчи ҳуқуқий жиҳатдан гарант ташкилотлар сифатида фаолият кўрсата олмайдилар.

Қайта техник жиҳатдан таъмирланаётган ёки реконструкция қилинаётган корхоналар давлат мулкидаги корхоналар бўлиб, уларнинг мулки олинган кредит бўйича гарант сифатида қабул қилинмайди. Ундан ташқари, баъзи объектлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг пул-кредит сиёсати ҳайъатининг қарори бўйича олинган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини объектлар ишга тушганидан кейин тўланиши мумкин.

Бу ўз навбатида молиявий жиҳатдан унча барқарор бўлмаган тижорат банкларининг молиявий аҳволига салбий таъсир кўрсатишига, уларнинг даромадининг камайишига, ликвидлилиқ ва тўловга лаёқатлилиқ кўрсаткичларининг тушиб кетишига, банкларнинг ресурс базасига, мижозлар билан ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида олиб борилишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Кредит портфелини сифатини яхшилаш, диверсификациялаш ва минимал хатарга эга ҳолда максимал даромад олиш юзасидан тегишли тадбирлар амалга оширилди.

Тижорат банки кредитларининг ҳажмида субстандарт, шубҳали ва умидсиз кредитларнинг юқори салмоққа эга бўлиши унинг молиявий ҳолатига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтирди. Чунки, Мазкур тоифаларга мансуб кредитлар бўйича мос равишда 25 фоиз, 50 фоиз ва 100 фоиз миқдорида фойда ҳисобидан захира ажратмалари ташкил қилишга тўғри келади.

Тижорат банклари кредитлари ҳажмини ошириш, унинг юқори сифат кўрсаткичларига эришишини таъминлаш бевосита уларнинг кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг норматив даражасини таъминлашга боғлиқ.


Тижорат банклари кредит портфелининг сифатини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан яна бири муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи ҳисобланади. Халқаро банк амалиётида ушбу кўрсаткичнинг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражаси 5 фоизни ташкил этади. Агар ушбу кўрсаткичнинг амалдаги даражаси 5 фоиздан ошса, тижорат банки кредит портфелининг сифати сезиларли даражада пасайганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам Германия ва Франциянинг йирик тижорат банкларида муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи 5 фоизга етиши билан, уларнинг 2,5-3 фоизи банкнинг балансидан чиқарилади.

Маълумки, тижорат банклари фаолиятида хавфли бўлган кредит қўйилмалар - бу муаммоли кредитлар шаклига кирган қўйилмалардир. Субстандарт ва ундан паст таснифланган кредитлар муаммоли кредитлар тоифасига киради.

Кредитнинг ўз вақтида қайтарилмаслигини ва шу сабабли муаммоли ссуданинг юзага келишини қуйидаги белгилар орқали билиш мумкин:

- Қарз олувчи томонидан белгиланган муддатда баланснинг тақдим этилмаслиги;
- Дебиторлик қарзнинг бирданига ўсиб кетиши;
- Қисқа муддатли активлар улушининг камайиши;
- Қисқа муддатли кредиторлик қарзларнинг нопропорционал ўсиши;
- Ликвидлик коэффицентининг пасайиши;
- Активлар таркибида асосий капитал улушининг ошиши;
- Савдо ҳажмининг пасайиши;
- Муддати ўтган қарзларнинг ўсиши;
- Операцион фаолиятдан кўрилган зарарларнинг пайдо бўлиши.

1-диаграмма



ОАТБ Агробанк активлари, кредитлари ва муаммоли кредитлари динамикаси⁷, йил бошига млн сўм.

Маълумотлар шуни кўрсатадики ОАТБ “Агробанк” нинг активлари 2013 йилда 1963768 млн.сўмни, берилган кредитлар 1207681 млн.сўмни ташкил қилган қилган. Ўтган йилларга нисбатан ўсганлигини кўришимиз мумкин. Ҳамда ижобий ҳолат шундан иборатки ОАТБ “Агробанк”нинг кредитлари бўйича эҳтимолий йўқотишлар захираси динамикаси 3694 млн.сўмга камайган.

Муаммоли кредитлар одатда қарз олувчининг кредитни тўлаши учун етарли пул маблағлари бўлмаган ҳолларда юзага келади. Баъзи ҳолларда улар мижознинг счётида маблағлари бўла туриб, кредитни тўлашни хоҳламаганда ҳам юзага келиши мумкин. Кредит бўлими ходимлари шу белгилар юзага келишини биринчи бўлиб сезмоқликлари ва банкни кредит бўйича йўқотишлардан сақловчи чегара бўлишлари лозим. Улар банк ва

⁷ ОАТБ Агробанк молиявий ҳисоботлари асосида тайёрланди.

мижоз манфаатини сақлаб қолган ҳолда бу молиявий қийинчиликлардан чиқиш йўллари ишлаб чиқишга ёрдам беришлари, бошқача айтганда, банклар тўлов куни кредитни ундиришни ўйлаб ўтирмасдан, мижоз фаолиятида муаммолар юзага келган вақтдан бошлаб мижозга ёрдам беришлари, уларга таъсир кўрсатишлари зарур. Бунинг учун банк доимо мижознинг фаолиятидан бохабар бўлиши, ўзи учун зарур ахборотларни йиғиб, таҳлил қилиб бориши зарур.

Шу билан бирга, муаммоли кредитларни олдиндан аниқлаш тизимини яратиш жуда қийин ва бунда инсон омили салбий рол уйнайди. Тижорат банкларида муаммоли кредитлар бўйича ишларни кредит бўлими ходимлари олиб боради. Бу жараённинг ижобий томони шундаки, кредит бўлими ходими шу кредитни берганлиги учун мижозни, унинг молиявий аҳволини яхши билиши мумкин. Иккинчи томондан, шу банк ходими етарли назорат олиб бормаганлиги сабабли шундай муаммоли кредит юзага келган бўлиши мумкин. Яна қолаверса, бу кредит ходими шу кредит соҳасида мижозга ён бериши мумкин. Шу сабабли, бу борада профессор Ш. 3. Абдуллаева тижорат банкларида муаммоли кредитлар билан ишловчи махсус бўлимлар ташкил қилишни таклиф этганлар. Ҳозирги кунда тижорат банкларида шунга ўхшаш бўлимлар ташкил қилинган бўлсада, уларнинг фаолияти таклиф қилинаётган ҳолатдан бошқа томонларини ҳам ўз ичига олади.

Кредит учун жавобгар ходим, банкни оғир ахволга олиб боргани сабабли танқидга қолмаслиги учун кредитни ёмонлашганлиги ҳақида хабар қилмаслиги мумкин. Бундан ташқари, муаммоли кредитлар аниқлаб бўлингандан кейин ҳам, бу кредитлар улар ўйланганидан ортиқча муаммоли бўлиб чиқади. Шу тарзда қимматли вақт кетади. Лекин энг ачинарлиси шуки, банк раҳбарияти ўз кредит портфелининг ушбу муаммосини яшириши билан бирга ушбу кредит билан боғлиқ ҳаражатларнинг ўрнини янги рискли кредитлар билан тўлдиришга ҳаракат қилишади. Бундай ҳолларнинг олдини олиш учун кредит бўлими фаолияти тез-тез ички аудит томонидан

текширилиб туриши, муаммоли кредитлар, уларнинг сабаблари аниқланиб туриши лозим.

Маълумки, банк кредитларининг сифати банк тизими ва бутун иқтисодиётнинг ҳолатини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади. Халқаро экспертларнинг фикрича, ялпи кредит портфелида муаммоли кредитлар улушининг 10-15% дан ортиши банк секторида тизимли инкироздан дарак беради.²⁰ Аксарият мамлакатлар кредит портфелининг кониқарсиз сифати муаммосини ечиш учун қатор чора-тадбирлар қўллашга мажбур эдилар.

Президентимиз И.А.Каримовнинг “Қарз олиш осон, бу ҳаммамизга маълум, лекин уни бир кун келиб тўлаш ҳам керак”²¹, “...қарз олишдан олдин узишни ўйлаш керак...”, деган фикрлари муҳимдир.²²

Ғарбнинг қатор иқтисодчилари фикрича, кредит бўйича тўловларнинг график бўйича 90 кундан ортиқ кечикиши ёки кредит шартномаси шартларининг бузилиши, кредитнинг муаммоли эканлигидан далолат беради.²³ Сўнгги берилган таъриф мамлакатимизда мавжуд активлар сифатини таснифлаш бўйича меъёрий ҳужжатларига қисман зид бўлмоқда. Кредит бўйича фоизлар ва қарз 30 кундан ортиқ муддат давомида кечиктирилган кредитлар субстандарт кредитлар сифатида таснифланиши лозим.²⁴ Ш.З.Абдуллаева таъкидлашича, субстандарт кредитлар ҳам ўз вақтида қайтарилмаганлиги туфайли муаммо келтирувчи кредитлар сифатида таҳлил қилиниши мумкин.²⁵

Шунингдек иқтисодий адабиётда муаммоли кредит деганда, объекти, субъекти ва таъминотига нисбатан банк томонидан шубҳа пайдо бўлган

²⁰ Казарцев А. Решение проблемы «плохих» кредитов: международный опыт // Банковское дело. – 2007. – №3. – С. 63.

²¹ Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида/ Тузувчи Муллажонов Ф.М.- Тошкент, 2005. 8-б.

²² Ўшаманба 517-б.

²³ Fraser D., Gup B., Kolari J. Commercial banking/ The Management of Risk. St Paul, MN, 1995. – P. 623.

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 9 ноябрдаги 242-сон “Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш” Тартиби.

²⁵ Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. Тошкент, 2002. 187-б.

кредит тушунилади²⁶, деган қарашлар мавжуд. Уларнинг фикрича, субстандарт, шубҳали ва ишончсиз кредитларни, шу жумладан, асосий тўлов ва кредит фоизлари бўйича қисқа муддатли қарздорликка эга бўлган, шунингдек кредит шартномаси шартларини ўзгартирмасдан, ҳеч бўлмаса, бир маротаба қайта расмийлаштирилган кредитлар ҳам муаммоли деб тушунилади. Бу таърифнинг сўнггижумласи мунозарали бўлиб, кредитни қайта расмийлаштиришнинг асосида шартнома шартларини ўзгартириш ётади. Ушбу шартларни ўзгартирмаслик эса кредитни қайта расмийлаштиришнинг мазмуни ва мақсадига зиддир.

Муаммоли кредитлар билан ишлаш фаолиятини тизимли равишда олиб бориш мақсадида, муаммоли кредитларни: муддати, сифати, таъминоти, ресурс манбаси ва кредитни бериш тўғрисидаги қарорни қабул қилувчи субъекти каби асосий йўналишлар бўйича таснифлаш мақсадга мувофиқ.

Жаҳоннинг аксарият мамлакатларида ишламаётган активлар муаммосини ечиш ва банк соҳасидаги инқирозни бартараф этиш учун давлат банклардан муаммоли активларни сотиб олган. Айрим мамлакатларда ҳукуматлар томонидан банкларнинг “ёмон” активлари билан мақсадли ишлаш учун махсус корпорациялар тузилган. Халқаро амалиётда муаммоли активларни бошқаришда иккита ёндашув қўлланилади: марказлашган ва марказлашмаган. Биринчи ёндашув давлат томонидан бутун банк тизимининг муаммоли активларини сотиб олиш ва бошқариш бўйича махсус корпорация тузилишини кўзда тутди. Марказлашмаган усулнинг моҳияти эса, банкнинг таркибида ишламаётган активларни бошқариш бўйича тегишли тузилмани ташкил этишдан иборат. Банклар, ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаришлари ҳамда банклараро рақобатдаги мавқеини сақлаш учун фаолияти давомида омонатчилар ва акциядорлар манфаатини кўзлаган ҳолда амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжат қоидалари асосида иш юритишлари ва сифатли хизмат кўрсатиш орқали доимо даромад миқдорини ортириб боришлари лозим.

²⁶ Управление деятельностью коммерческого банка (банковский менеджмент)/ Под ред. д-ра экон. наук, проф. Лаврушина О.И. – Москва, 2002. – С. 456.

2.2 Кредит портфелини самарали бошқариш ва кредит рискларини олдини олиш амалиёти таҳлили.

Банк кредит портфелининг диверсификацияси кўп жиҳатдан кредит таваккалчиликларини бошқаришнинг зарурлиги билан белгиланади. Кредит портфелини бошқариш ва кредитлар қайтарувчанлигини мониторинг қилиш юзасидан чора-тадбирлар банк Кредит қўмитасининг раҳбарлигида амалга оширилади. Кредит портфелини бошқариш билан боғлиқ банкнинг фаолиятида таваккалчиликларнинг ортиб боришига йўл қўйилмаслиги устидан мониторинг олиб борилади.

Ички аудит бош бошқармаси банк кредит портфелини вақти-вақти билан баҳолаш ва аудит текширувидан ўтказилиши юзасидан назоратни амалга ошириб, банк ялпи кредит портфелини, унинг сифати ва кредит жараёнлари яхлитлигини мустақил баҳолашни амалга оширади.

Хусусан:

а) кредитларнинг сифатини аниқлайди;

б) кредитлашга доир тақсимланган вақолатларга риоя этилишини ўрганади;

в) кредитлаш жараёнини бошқариш сифатини баҳолайди:

г) расмийлаштирилган кредит хужжатлари, уларнинг молиявий таҳлили, гаровни баҳолаш ва расмийлаштириш тадбирларини амалга оширишда тасдиқланган сиёсат ҳамда ўрнатилган қонунчилик меъёрларига риоя этилишини баҳолайди.

Кредит портфелининг диверсификация қилинганлик даражасини ошириш учун кредитлар тўплануви устидан назоратни таъминлаб туриш зарур.

Кредитлар тўплануви қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

а) бир қарз олувчи;

б) ўзаро боғлиқ қарз олувчилар гуруҳи;

в) бир иқтисодиёт тармоғига боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи қарз олувчилар ёки бир тоифадаги кредитлар тўплануви.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг иқтисодий
меъёрлари⁸**

	Кўрсаткичлар	Меъёрий даражаси
	2.	3.
1.	Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор қарздор гуруҳига берилган кредит (таъминланган)	Кредит суммаси/1 даражали капитал<25%
2.	Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор қарздор гуруҳига берилган кредит (таъминланмаган)	Кредит суммаси/1 даражали капитал<5%
3.	Жами йирик кредитлар	Барча йирик кредитларнинг умумий ҳажми/1 даражали капитал<800%
4.	Жами лизинг операциялари	Жами лизинг суммаси/ 1 даражали капитал<25%
5.	Жами дахлдор шахсларга берилган кредитлар	Жами кредитлар суммаси/ 1 даражали капитал<100%
6.	Битта эмитентнинг қимматли қоғозларига инвестицияларнинг максимал миқдори	Битта эмитентнинг қимматли қоғозларига инвестициялар/ 1 даражали капитал<15%
7.	Олди-сотди мақсадларида қимматли қоғозларга инвестицияларнинг умумий миқдори	Олди-сотди мақсадларида қимматли қоғозларга инвестицияларнинг/1 даражали капитал<25%
8.	Банк томонидан муомалага чиқариладиган облигациялар	Банк томонидан муомалага чиқариладиган облигацияларнинг умумий миқдори ≤ банк устав капитали
9.	Жорий ликвидлилик коэффициенти	Мин=0,30
10.	Очиқ валюта позициясига лимитлар	-Битта хорижий валютадаги очиқ позиция миқдори/ регулятив капитал<10% -Жами хорижий валютадаги очиқ позиция миқдори/ регулятив капитал<20%
11.	Капитал етарлилигига талаблар	-Регулятив капитал<Риска тортилган активлар ≥10% -1 даражали капитал/ Регулятив капитал ≥50% -1 даражали капитал/(умумий активлар-номоддий активлар) ≥60%

Таваккалчиликни чегаралаш бўйича белгиланган меъёрларга риоя этиш шароитида Марказий банкнинг 1998 йил 2-декабрдаги “Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисида”ги 559-сонли

⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Низомига асосан ликвидлилик меъёрига ва 2000 йил 25-июлдаги “Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 949-сонли Низоми ҳамда банкнинг ликвидлигини бошқариш бўйича ички низом талабларига мувофиқ капиталнинг етарлилик коэффициентиغا қатъий риоя этилиши зарур.

1995 йил 21 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонуннинг 52-моддасига мувофиқ, Марказий банк томонидан турли рискларни чегаралаш мақсадида банклар учун мажбурий бўлган меъёрлар белгиланади. Хусусан, Марказий банк:

- Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига таваккалчиликнинг энг кўп миқдорига;

- Йирик кредит таваккалчилиги ва инвестицияларнинг энг кўп миқдорини;

- Активларни таснифлаш ва баҳолашга доир талабларни, шунингдек, бундай таснифлар асосида банкнинг операцион харажатлари жумласига киритиладиган чегирмалардан шубҳали ва ҳаракатсиз қарзларга қарши ташкил этиладигани заҳиралар;

- Қарзларга доир фоизларни ҳисоблаб чиқариш ва уларни банк даромадлари ҳисобварағига киритишга доир талабларни белгилайди.

Бундан ташқари, республикада тижорат банклари фаолиятидаги рискларни бошқаришга минимал талаблар Марказий банк Бошқаруви томонидан 2011 йил 7 майда 14/2-сонли қарор билан тасдиқланган “Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришга нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомда ифодаланган.

Кредитнинг энг катта суммаси амалдаги банк қонунчилиги билан тартибга солинади. Бир қарз олувчи ёки ўзаро боғлиқ қарз олувчилар гуруҳига ва банкка дахлдор шахсларга кредитлар Марказий банкнинг 1998 йил 2-декабрдаги “Банклар ва уларга дахлдор шахслар ўртасида ўтказиладиган операциялар тўғрисида”ги 556-сонли ҳамда 1998 йил 2-декабрдаги “Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор бўлган қарздорлар гуруҳига

тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси тўғрисида”ги 557-сонли Низомларида баён қилинган шартларга амал қилинган ҳолда берилади.

Бир қарздор ёки ўзаро алоқадор қарздорлар гуруҳи учун бўлган таваккалчиликнинг энг катта ҳажми таъминланган кредитлар бўйича банк 1-даражали капиталининг 25 фоизидан ошмаслиги керак.

Бир қарздор ёки ўзаро алоқадор қарздорлар гуруҳи учун бўлган таваккалчиликнинг энг катта ҳажми таъминланмаган кредитлар бўйича банк 1-даражали капиталининг 5 фоизидан ошмаслиги керак.

Банк томонидан мижозларга кўрсатилган лизинг хизматларининг умумий ҳажми банк 1-даражали капиталининг 25 фоизидан ошмаслиги керак.

Бир қарз олувчи ёки ўзаро боғлиқ қарз олувчилар гуруҳига ажратилган кредитларнинг умумий миқдори (балансдан ташқаридаги мажбуриятлари билан биргаликда) 1-даражали банк капиталининг 10 фоизидан ошган тақдирда ушбу кредитлар йирик кредит деб ҳисобланади. Барча йирик кредитларнинг умумий миқдори банк 1-даражали капиталига нисбатан 8 мартадан ошмаслиги шарт.

Кредит рискларини бошқариш жараёнининг вазифаларини белгиловчи 4 асосий босқични ажратиш кўрсатиш мумкин:

1.Кредит рискларини ўрганиш ва баҳолаш. Банк ахборот манбаларидан кредит рискларини ва улар ўртасидаги боғлиқликларни ўрганиб чиқиши ҳамда уларни назорат қилинадиган ва бошқариладиган рискларга ажратиши керак.

2.Риск миқдорини аниқлаш. Рискнинг миқдорий кўрсаткичини аниқлаш эҳтимолий йўқотишлар миқдорини аниқлашга ва актив бошқариш инструментлари воситасида риск даражасини шакллантиришга имконият яратади.

3.Кредит рискларини бошқариш. Бошқариладиган рисклар ва уларнинг миқдори аниқланганидан кейин, кредит рискларини бошқариш методологияси ва стратегияси ишлаб чиқилиши зарур. Кредит рискларини

бошқариш кредит рисклари вужудга келганининг олдини олишга қаратилгани каби, кредит рискларининг банк ликвидлиги ва рентабеллигига салбий таъсирига йўл қўйилмаслигига йўналтирилган бўлиши мумкин.

4.Кредит рискларини самарали бошқариш устидан назорат. Рискларни бошқариш бўйича тадбирлар натижалари назорат остида бўлиши лозим. Ушбу назорат вужудга келган риск миқдорининг режалаштирилган кўрсаткичлардан четланишини аниқлашга қаратилган бўлади. Таҳлил қилиш учун кредит фаолиятининг натижаларини белгиловчи, риск таркиби, рискларнинг вужудга келиши билан боғлиқ зарарлар каби кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Кредит рискинни бошқариш, унинг олдини олишда банк кредит портфелини самарали бошқариш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Тижорат банклари “кредит портфели” тушунчаси кўпчилик учун банк фаолияти билан боғлиқ муносабатларни англатадиган асосий тушунчалардан бирига айланиб қолди. Унинг тез орада оммалашиб кетишига сабаб шундаки, “кредит портфели” тижорат банкларининг кредит билан боғлиқ бутун фаолиятида ҳал қилувчи ўрин тутди. Кредит портфели тижорат банкларининг кредит бериш имкониятларини кўрсатадиган омиллардандир. Кредит портфели тўғри ташкил этилиши тижорат банкларининг самарали фаолият юритиши учун асос ҳисобланади. Хусусан, кредит бериш ва уни белгиланган муддатда қайтариб олиш, у билан боғлиқ хатарлар, ссудалар, муддати ўтган ёки узайтирилган кредитлар бўйича ҳисоб-китоб операциялари, судалар бўйича зарарларни қоплаш захира миқдори, банклараро кредит ва марказлаштирилган кредитлар бўйича операциялар шулар сирасига киради.

Республикаимиз тижорат банкларининг кредит портфели таркиби

Кўрсаткичлар	2012 йил			2013 йил		
	Млн.сўм	Жами кредитларга нисбатан, % да	Жами активларга нисбатан, % да	Млн.сўм	Жами кредитларга нисбатан, % да	Жами активларга нисбатан, % да
1.Кредит портфели, жами	13344487	100,0	51,20	17951563	100,0	54,97
Шу жумладан:						
Корхона ва ташкилотларга берилган кредитлар	10946836	82,03	42,00	14366566	80,3	43,89
Банкларга берилган кредитлар	31	0,0	0,0	2262	0,01	0,01
Давлат муассасаларига берилган кредитлар	-	0,0	0,0	-	0,0	0,0
Жисмоний шахсларга берилган кредитлар	2397620	17,97	9,20	3582735	19,96	10,97

Жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, таҳлил қилинаётган даврларда тижорат банкларининг кредит портфелида ўсиш кузатилган. Жумладан, 2012 йилда банкларимиз кредит портфели 13,3 трлн.сўмни ташкил этган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич қарийб 17,9 трлн.сўмни ташкил этиб, деярли 1,3 баробарга ошган. Банкларнинг кредит портфелини таҳлил қиладиган бўлсак, берилган кредитларнинг 2012-2013 йилларда бир хилда, яъни 80 фоиздан ортиғи кредитлар корхона ва ташкилотларга тақдим этилган. Кейинги ўринларни эса, жисмоний шахсларга берилган кредитлар эгаллаб турибди. 2013 йилда бу кўрсаткич 19 фоиздан ошиқроқни ташкил

⁹ “Ahbor-Reyting” агентлиги маълумотлари.2014 йил февраль.

этнода. Банклараро кредитлар ва давлат корхона ва муасссаларига берилган кредитлар ҳажми деярли мавжуд эмас.

Мамлакатимиз Президенти таъкидлаб ўтганидек, - “Иқтисодий ислохотларни амалга оширишда банк тизими амалда локомотив вазифасини бажариши, хўжалик юритувчи барча субъектларни ўз ишларини қайта ташкил этишга, бозор механизмларини дадил ва жадал эгаллашга даъват этувчи омил бўлиши даркор”¹⁰ экан, ўзаро узвий ва боғлиқда ҳаракатланиши зарурий шартлардан бўлган ишлаб чиқариш ва инфратузилманинг банк тизими субъектлари фаолиятида кредит муносабатлари қай даражада самарали яқунланаётганлигига боғлиқ. Айнан шунинг учун ҳам, фикримизча, инфратузилманинг банк тизими фаолиятида кредит амалиётларининг сифати ва самарадорлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки, кредит амалиётлари инфратузилманинг банк тизими фаолиятидаги даромадлиликнинг энг асосий манбаси бўлиш билан бир қаторда, банк фаолиятига ва улар фаолияти орқали жамият иқтисодиётига салбий таъсири юқори бўлган хизмат тури бўлиб ҳам ҳисобланади.

Бозор муносабатларига ўтгунга қадар бўлган даврда молия-кредит муносабатларига хизмат қилувчи фаолият ҳисобланган банклар ва улар фаолиятидаги кредитлаш асосан марказдан туриб бошқарилиш асосида амалга оширилганлиги туфайли, маблағларни жалб этиш, уларни фойда келадиган қилиб пулга муҳтож хўжалик субъектларига бериш, қарзни ўз вақтида қайтишини таъминловчи чора - тадбирлар кўриш каби масалаларда банк ходимларининг бошлари оғримаган. Мамлакатимизда фаровон ҳаёт сари қўйилган қадам, яъни пулга асосланган бозор иқтисодиётига ўтиш йўлида банк тизимида олиб борилган ислохотлар натижасида бу масалалар банкларнинг кундалик фаолиятига айланиб қолди.

Чунки, жалб қилинган маблағлар учун банклар томонидан бадал тўланар экан, бу маблағлардан нафақат даромад олиш, балки кредит самарадорлигига

¹⁰ И.Каримов. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тугрисида. Т.: “Ўзбекистон” Нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2005й. 386 б.

эришган ҳолда маблағларни қарздорлардан ўз вақтида қайтариб олиш чора – тадбирларини кўришлари лозим, акс ҳолда банкларда даромадлиликка салбий таъсир этувчи ҳолатлар келиб чиқиб, банкларнинг омонатчилар, мулкдорлар, миждозлар ҳамда кредиторлар олдидаги мажбуриятини бажаролмай банклараро рақобатда ўз мавқеини йўқотиб қўйиш хавфи келиб чиқади. Бундай хавф, халқаро молиявий муносабатларга киришган мамлакатлар иқтисодиётига салбий таъсир этувчи глобал муаммони келтириб чиқарувчи асосий сабаблардан бири эканлигини айни пайтда дунёнинг энг илғор мамлакатлари иқтисодиётида юзага келган халқаро молиявий инқироз ҳам кўрсатиб турибди.

Банклар, ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаришлари ҳамда банклараро рақобатдаги мавқеини сақлаш учун фаолияти давомида омонатчилар ва акциядорлар манфаатини кўзлаган ҳолда амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжат қоидалари асосида иш юритишлари ва сифатли хизмат кўрсатиш орқали доимо даромад миқдорини ортириб боришлари лозим.

Тижорат банкларида муаммоли активларни бошқариш фаолиятини такомиллаштириш йўллари масалаларига доир илмий асосланган амалий таклифлар ишлаб чиқишда, фикримизча, кредит самарадорлиги кўрсаткичларини, жумладан, банк активларининг жамият иқтисодиётидаги ролини баҳолаш ва кредит маблағларининг мамлакат ЯИМ даги улушлари динамикасини таҳлил қилиб чиқишимиз, шунингдек банкларнинг кредитлаш фаолиятида юзага келиб, кредит муносабатлари самарадорлигига салбий таъсир этаётган омилларни аниқлаш ва улардан муҳофазаланиш ёхуд уларнинг кредит муносабатларига бўлган салбий таъсирини камайтиришга қаратилган илмий асосланган амалий таклифлар ишлаб чиқиш учун энг аввало банкларнинг молиявий ҳисобот кўрсаткичлари мисолида омилли таҳлил этиш мақсадга мувофиқ деган фикрга келдик.

Маълумки, банк кредитлари миқдорининг ЯИМ га нисбатан улушининг ортиб бориши, биринчидан, иқтисодиётнинг кредит маблағларига бўлган эҳтиёжларини қондириш имконияти банкларда ошиб бораётганлигидан ва

иқтисодий ўсиш учун қулай вазият юзага келаётганлигидан далолат беради, иккинчи томондан, жамиятдаги ишлаб чиқариш кредит маблағларига таяниб қолганлигини, яъни субъектлар фаолиятида ишлаб чиқариш ва маблағлар айланишида муаммолар юзага келаётганлигидан ёки жамият иқтисодиётида янги ва янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш субъектлари фаолият бошлаганлигидан далолат беради.

8-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси ЯИМ ва тижорат банклари активлари ва кредит қўйилмалари динамикаси¹¹

Кўрсаткичлар	2009й	2010й	2011й	2012й	2013й	2012 йилда 2008 йилга нисбатан ўзгариш %да
ЯИМ млрд.сўмда	48097,0	61831,2	77800,0	96600	119000	247,4
Жами актив	15703	20740	27453	35744	43868	279,4
Кредит қўйилмаларининг умумий миқдори, млрд.сўм	8558,2	11539,3	15652,0	20400	26530	310,0
Банк активларининг жами ЯИМ га нисбатан салмоғи % ҳисобида	32,6	33,5	30,7	37	36,9	4,3
Банк кредит маблағларининг жами активларга нисбатан салмоғи	54,5	55,6	57	57	60,4	5,9
Банк кредит маблағларининг жами ЯИМ га нисбатан салмоғи % ҳисобида	17,8	18,6	17,5	21,1	22,3	4,5

7-жадвал маълумотлари ва мазкур маълумотлар асосида тайёрланган мамлакатда ЯИМ мутлақ миқдорининг ортиб бориши кузатилган. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг маълумотларига

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

асосан, 2009 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,1 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши - 9,0 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари – 5,7 фоизни, чакана товар айланмаси – 16,6 фоизни, пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ўсиши – 12,9 фоизни ташкил қилди. 2013 йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ишлаб чиқариш ҳажми 8,0 фоизга ўсиб, 119,0 трлн. сўмни ташкил этди.

Хусусан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажми 2012 йилга нисбатан 8,8 фоизга ошди. Саноатда юқори ўсиш суръатлари юқори технологияларга асосланган машинасозлик ва металлни қайта ишлаш (ўсиш суръати 21 фоиз), енгил саноат (13 фоиз), қурилиш материаллари (13,6 фоиз) ҳамда озиқ-овқат (9 фоиз) саноати тармоқларида кузатилди.

Банк активлари ва кредит қўйилмалари миқдорида ҳам таҳлил этилаётган даврда мамлакатда ишлаб чиқарилган ЯИМ даги салмоғида нотекис бўлса-да, ўсиб бориш тенденцияси кузатилган. Мамлакат ЯИМ ҳажмида банк активлари ва кредит маблағлари самарадорлигини таъминлаб бориш, кўп жиҳатдан банклар фаолиятига ва кредит маблағларидан фойдаланиш самарадорлигига, яъни муносабатнинг самарали яқунланишига боғлиқ. Чунки, кредит муносабатлари таваккалчилик хатари юқори бўлган амалиёт бўлгани учун ҳам, банклар соғлом фаолият юритиши ва банк хавфсизлигини таъминлаш нуктаи назаридан фаолияти давомида кредит самарадорлигини таъминлаш нуктаи назаридан ҳуқуқий ва иқтисодий саводхонлик нуктаи назаридан кредитлашда оқилона бошқарув қарорларини қабул қилиб, унинг ижроси юзасидан самарали мониторинг ўтказиб боришлари давр талабидир.

8-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, банк активлари ва кредит маблағларининг ўсиб бориши кейинги йилларда 2009 йил кўрсаткичларига нисбатан мутлақ ўсиб бориб, банк активлари 2013 йилда 43868,0 млрд.сўмни, кредит қўйилмалари эса 26530,0 млрд сўмни сўмни ташкил этган, яъни бу кўрсаткичда банк активлари 2009 йил кўрсаткичига нисбатан 279,42%, ЯИМ даги улушида 4.3 фоизга ошганлиги кузатилган.

Кредит қўйилмаларининг ЯИМ даги салмоғида йиллар давомида ўсиб бориш кузатилиб 2013 йилда бу кўрсаткич 22.3% ни ташкил этиб, бу кўрсаткичда 2012 йил кўрсаткичига нисбатан 1.2 фоизга ошганлиги кузатилган.

9-жадвал.

ОАТБ ”Қишлоқ қурилиш банк” ва ОАТБ “Алоқабанк” ларининг¹² кредит амалиётларига оид молиявий кўрсаткичлари динамикаси (йил бошига)

ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк”					ОАТБ "АЛОҚАБАНК"			
Банк молиявий Кўрсаткичлари	2010 й	2011 й.	2012 й.	2013й.	2010й	2011й	2012й	2013й
Кредит қўйилмалар миқдори (млн.сўмда)	806434	954577	1521208	2212179	150545,3	162433	260525,5	426334,6
Олинган фоизли даромадлар (млн.сўмда)	64484	128175	189839	214649	15639,7	21848,6	26773,17	51342,39
Эҳтимолий йўқотишларни баҳолаш, (млн.сўмда)	18798	10527	78479	73296	5187,99	5743,39	12143,33	10127,41
Соф фоизли даромад, (млн.сўмда)	15350	46663	64381	76973	10806,7	10806,7	13674,81	23694,06
Фоизли даромадлар/кредит қўйилмалари (фоиз ҳисобида)	7,9	13,4	12,5	9,7	10,3	13,4	10	12
Эҳтимолий йўқотиш / Фоизли даромад (фоиз ҳисобида)	29	8,2	41,3	34,1	33,2	26,2	45,4	19,7

8-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, тадқиқ этилаётган ҳар икки банк ташкилотида ҳам жамият иқтисодиётини кредитлашдаги роли ва кредит амалиётларидан олаётган фоизли даромадлари йилдан - йилга ортиб бораётганлиги кузатилган. Лекин банк ташкилотларининг ҳар иккиси фаоли-

¹² Матбуотда эълон қилинган молиявий ҳисоботлар асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

ятида даромад келтирувчи активлардан самарали фойдаланиш кредит қўйилмалар миқдори ўсиб борган сари кредит амалиётларидан эҳтимолий йўқотишлар салмоғида ҳам ўсиб бораётганлиги ва олинаётган устама фоизлар миқдорида кредит қўйилмалари ўсишига ноадекват тарзда ўсиб бориш, яъни банклардаги ўртача фоиз ставка меъёрларидан кам устама фоиз олинаётганлиги кузатилган.

Маълумки, кредит муносабатларининг самарадорлиги кўрсаткичларидан бири, банкнинг кредит амалиётларидан олинган фоизли даромади ҳисобланади. Банкнинг фоизли даромад кўрсаткичлари динамикаси таҳлил этилганда, банкнинг иқтисодиётни кредитлашдаги роли йилдан – йилга ортиб бораётган бўлса-да, кредит амалиётларидан олинган фоизли даромадлар кредит миқдорининг ўсишига ноадекват тарзда нотекис ортиб бориши кузатилган, шунингдек банк фаолиятига салбий таъсир этувчи кредит амалиётларидан эҳтимолий йўқотишларга ажратмалар миқдорида ҳам ўсиб бориш кузатилган. Бу кўрсаткич 2009 йилда жами фоизли даромаднинг 29 % ни ташкил этгани ҳолда, нотекис ўсиб бориб, 2012 йил ҳолатига 34.1% ни ташкил этган. Бу ҳолат ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк”да қайта молиялаш ставка меъёрларидан ҳам кам миқдорда кредит амалиётларидан даромад олинаётганлигини ва эҳтимолий йўқотишларга ажратмалар миқдорида ҳам ўсиб бориш кузатилиб фоизли даромадларнинг 1/3 ташкил этаётганлиги банкда муаммоли кредит салмоғининг йилда-йилга ортиб бораётганидан далолат беради.

Таҳлиллар натижасида ОАТБ “Алоқабанк” нинг кредит амалиётларига оид молиявий кўрсаткичлари динамикаси шунини кўрсатиб турибдики, иқтисодиётни кредитлашда банк ташкилотининг роли ортиб, кредит қўйилмалари миқдори ўсиб боргани сари кредит амалиётларидан олинаётган фоизли даромадлар миқдорида ҳам ўсиш кузатилган. Лекин бу ўсиш кредит қўйилмалар ортиб боришига адекват тарзда ортмаётганлиги кузатилган. Банк фаолиятига салбий таъсир этувчи кредит амалиётларидан эҳтимолий йўқотишларга ажратмалар миқдорида ҳам ўсиб бориш кузатилган. Бу

кўрсаткич 2009 йилда жами фоизли даромаднинг 33.2 % ни ташкил этгани ҳолда, нотекис ўсиб бориб фоизли даромаднинг қайиб ярмини яъни, 2012 йил ҳолатига 19.7 % ни ташкил этган.

Бу ҳолат банк ташкилотида кредит сифатининг анча пастлигидан далолат бериб, банк ташкилотида муаммоли кредитлар салмоғи ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Банк фаолиятига салбий таъсир этувчи бу кўрсаткичлар қандай омил ва вазиятлар натижасида юзага келаётганлиги аниқлаш ва уларни бошқаришнинг самарали механизмини ташкил этиш ва мавжудлари фаолиятини такомиллаштириш учун фикримизча, банк ташкилотлари фаолиятида юзага келиб муаммоли кредитлар сирасига кириб қолган кредит муносабатларини бирламчи ҳужжатлар асосида жойларда таҳлил этиб чиқишимиз мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик. Чунки, тадқиқ этилаётган банк ташкилотлари фаолиятида фоизларнинг ўз вақтида тўлиқ ундириб боришда муаммоларнинг юзага келаётганлиги қарз оловчи субъектлар томонидан кредит маблағларидан самарасиз фойдаланаётганлигидан, “Пул – товар - пул” циклининг бузилиб, фоизлар тўлашда муаммолар келиб чиқаётганлигидан ҳамда инфратузилманинг кредит муносабатларига хизмат кўрсатувчи соҳа тизими субъекти бўлган банк ташкилотларида кредит амалиётлари самарасиз амалга оширилиб даромад олинishi ва муносабат самарали яқунланиши хавф остида қолиши мумкинлигидан, шунингдек эҳтимолий йўқотишлар учун ажратмалар миқдорининг ортиб бораётганлиги банк фаолиятида муаммоли активлар салмоғининг ортиб бориб банк даромадига салбий таъсир этувчи ҳолатлар миқдорида ўсиб бориш юзага келаётганлигидан далолат беради.

Таҳлиллар натижасида, йирик банклар тоифасига кирувчи ОАТБ “Хамкорбанк”нинг кредит амалиётларига оид молиявий кўрсаткичларини ҳам таҳлил этдик. Таҳлил натижасида бу банкнинг иқтисодиётни кредитлашдаги роли йилдан - йилга ортиб бораётганлигини кузатилди.

**ОАТБ “Хамкорбанк” нинг кредит амалиётларига оид молиявий
кўрсаткичлари динамикаси¹³, (йил бошига)**

Банк молиявий кўрсаткичлари номи	Тадқиқ этилган даврлар				
	2009й	2010й	2011й	2012й	2013й
Кредит қўйилмалар миқдори (млн.сўмда)	125946,98	153076,58	211123,4	289681,77	391596,33
Олинган фоизли даромадлар (млн.сўмда)	30493,349	42494,697	42836,927	52971,159	69243,74
Эҳтимолий йўқотишларни баҳолаш,(млн.сўмда)	2661,659	1058,316	1635,179	4189,02	9555,548
Соф фоизли даромад, (млн.сўмда)	9967,302	16507,962	20362,226	25061,885	28779,297
Фоизли даромадлар/ кредит қўйилмалари (фоиз ҳисобида)	24,2	27,8	20,1	18,3	17,7
Эҳтимолий йўқотиш / Фоизли даромад (фоиз ҳисобида)	8,7	2,5	3,8	7,9	13,8

Жадвалда акс этган молиявий кўрсаткичлар динамикаси кўрсатишича, банкда кредит қўйилмалар миқдори ўсиб борган сари кредит амалиётларидан олинган устама фоиз даромадлари миқдорида ҳам ортиб бораётганлиги ва лекин устама фоиз даромадларининг кредит қўйилмалардаги салмоғида камайиб бориш тенденцияси кузатилган. Масалан, 2008 йилда кредит амалиётларидан олинган фоизли даромадлар кредит қўйилмаларининг 24.2% ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич йиллар давомида камайиб бориб, 2010 йилда 20.1% ни, 2011 йилда 18.3 % ни ва 2012 йилда 17.7 фоизни ташкил этган.

¹³ Молиявий ҳисоботлар асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

**ОАТБ "Хамкорбанк" да таснифга асосан гурухларга ажратилган
актив амалиётлар динамикаси¹⁴(йил бошига)**

№ т/р	Кредитларнинг таснифлари	Тадқиқ этилган даврлар				
		2009й	2010й	2011й	2012й	2013й
1	Стандарт	4291478 0	4716017 0	3437636 8	2751145 0	42581290
2	Субстандарт	4043133	8217844	1304833 4	3679100	7035628
3	Шубҳали	746960	1082136	3216519	7129798	5723532
4	Умидсиз	310890	332853	641399	3269044	2908545

ОАТБ «Хамкорбанк»да кредит амалиётлари сифатига салбий таъсир этаётган мазкур ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида банкнинг молиявий ҳисоботлари асосида активларнинг таснифланиши ва бу таснифлаш асосида банк даромадига салбий таъсир этувчи “эҳтимолий йўқотишлар учун ажратмалар миқдори динамикасини ўрганишга ҳаракат қилдик.

Жадвал маълумотлари кўрсатишича банкда кредитлаш жараёнида юзага келаётган муаммолар салмоғи жами кредит қўйилмаларининг 2-3% ни ташкил этса-да, бу кўрсаткичлар динамикасида йиллар давомида нотекис ўсиб бориш кузатилган.

ОАТБ “Хамкорбанк” молиявий ҳисоботлари асосида тузилган жадвалда акс этган кўрсаткичлар динамикаси кўрсатишича банк ташкилотида амалдаги тартибда таснифланиб гурухларга ажратилган муаммоли активларнинг барча гурухлари кўрсаткичларида нотекис ўсиб бориш кузатилган. Бу кўрсаткичлардаги ўсиб бориш айниқса шубҳали ва умидсиз деб баҳоланган кредит муносабатларида яққол намоён бўлган, яъни банк ташкилотида шубҳали деб баҳоланган кредит амалиётлари 2009 йилда 746960 минг сўмни

¹⁴ ОАТБ "Хамкорбанк" ҳисоботлари асосида тузилган.

ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич йиллар давомида нотекис ўсиб бориб, 2012 йилда энг юқори 7129798 минг сўмни ташкил этган, 2013 йилда таҳлил этилаётган даврнинг дастлабки уч йиллик кўрсаткичларига нисбатан юқори бўлса-да, 2012 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 24.6% га камайиб 5723532 минг сўмни ташкил этган. “Умидсиз” деб баҳоланган кредит муносабатларига оид кўрсаткичлар динамикасида 2009 йилда 310890 минг сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич йиллар давомида ўсиб бориб 2012 йилда энг юқори кўрсаткич ни яъни, 3269044 минг сўмни ташкил этган. 2013 йилда бу кўрсаткичда 12.4% га камайиш юз бериб 2908545 минг сўмни ташкил этган бўлса-да, банк ташкилотининг 2013 йил давридаги умидсиз деб баҳоланган активлари миқдори таҳлил этилаётган дастлабки уч йиллик давр кўрсаткичларига нисбатан юқорилигича қолган. Банк ташкилотида амалдаги тартибда таснифланиб гуруҳларга ажратилган муаммоли активларнинг барча гуруҳларига банк даромадига салбий таъсир этувчи эҳтимолий йўқотишлар учун ажратмалар миқдор кўрсаткичлар динамикасида ҳам нотекис ўсиб бориш кузатилган. Айниқса бу ўсиб бориш тенденцияси иқтисодиётнинг савдо, қурилиш, транспорт, маиший хизмат соҳа субъектларини кредитлаш жараёнида юзага келаётганлиги кузатилган.

12-жадвал

ОАТБ “Хамкорбанк”да муддати ўтган ва реструкризация қилинган кредит кўрсаткичлари динамикаси.¹⁵ (йил бошига)

№ т/р	Кўрсаткич	Тадқиқ этилган давр				
		2009	2010	2011	2012	2013
	Йиллар	2009	2010	2011	2012	2013
1	Муддати ўтган кредитлар	175806	116976	3254364	1959528	356864
	Йиллар	2008	2009	2010	2011	2012
2	Реструктуризация қилинган кредитлар	825283	3394359	2090950	563457	2365
	Йиллар	2008	2009	2010	2011	2012
3	Жами муддати ўтган ва	1001089	3511335	5345314	2522985	359229

¹⁵ Молиявий ҳисоботлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

	реструктуризация қилинган кредитлар					
--	--	--	--	--	--	--

Айниқса бу кўрсаткичнинг кескин ортиб кетиш даври 2010 йил даврига тўғри келган, яъни банк ташкилотининг муддати ўтган ва реструктуризация қилинган кредит амалиётларининг жами: 2010 йилда – 5345314 минг сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2009 йил кўрсаткичига нисбатан 152,2% га кескин ортиб кетганлиги кузатилган. Тадқиқ этилаётган кейинги икки йил даврида бу кўрсаткичлар камайиб бориш кузатилган бўлса-да, тадқиқ этилаётган дастлабки икки йил кўрсаткичларига нисбатан ҳамон юқори эканлиги кузатилган. Бу ҳолат ОАТБ “Хамкорбанк”да ҳам кредит қўйилмалар салмоғида ортиб бориш юзага келган сари, банк фаолиятига салбий таъсир этувчи муаммоли активлар ҳам юзага келиб йиллар давомида ортиб бораётганлиги кузатилган. ОАТБ “Хамкорбанк”да кредитлаш жараёнида юзага келаётган ва фаолиятга салбий таъсир этувчи бу кўрсаткичлар гарчи йиллар давомида нотекис ортиб бориш тенденциясига эга эканлиги кузатилган бўлса-да, бу кўрсаткичларнинг жами кредит қўйилмаларидаги салмоғи 2-4% ни ташкил этган. Бу ҳолат эса ОАТБ “Хамкорбанк”да ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк” ва ОАТБ “Алоқабанк” ларига нисбатан сифатли кредит муносабатларига киришганлигидан ва нисбатан ишончли ва қаттиқ кредит сиёсати амалга оширилаётганлигидан далолат беради. Лекин ОАТБ “Хамкорбанк” фаолиятининг сўнгги икки йили мобайнида эҳтимолий йўқотишлар учун ажратмалар миқдорида кескин ўсиб боришнинг кузатилганлиги бу банкда ҳам муаммоли активлар миқдорида ўсиб бориш юзага келаётганлигидан далолат беради. Мазкур ҳолат юзасидан банк ташкилотида тезлик билан муҳим ва таъсирчан чоралар кўриб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Таҳлиллар натижасида банкларда кредит қўйилмалари миқдорида нисбатан олинаётган устама фоиз суммаларидаги пасайиб бориш тенденциясининг асосий сабаби сифатида мутахассислар Марказий банкнинг

қайта молиялаш ставкаси пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги сабабли тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкалари ҳам пасайиб бормоқда деб кўрсатишлари мумкин. Лекин биз бу фикрга қўшила олмаймиз.

Биринчидан, қайта молиялаш ставка меъёрлари фақатгина Республика Марказий банк томонидан берилган марказлашган кредит маблағларигагина тегишли ҳисобланади; иккинчидан, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги конуннинг 28-моддасига асосан “Фоиз ставкалари банклар томонидан мустақил белгиланиши ва фақатгина давлат дастурларини молиялаш учун Марказий банк томонидан бериладиган кредитлар учун Марказий банк фоиз ставкаларининг энг юқори миқдорини белгилаши мумкинлиги ва бунда ресурслар учун тўлов ва банк харажатларини қоплаш учун банк маржаси ҳисобга олиниши белгилаб қўйилган”.

Масалан, мамлакатимиз банк тизимида жалб этилган маблағларнинг салмоқли қисмини ташкил этувчи муддатли омонатларга белгиланган устама фоизларнинг ўртача фоиз даражаси таҳлил этилаётган даврда 21-24% ни ташкил этгани ҳолда, кредит амалиётларига белгиланган устамаларнинг жами тармоқлар бўйича ҳисобланганда ўртача меъёри 18- 20 % ни ташкил этган. Бу эса, биз таҳлил этиб ўтаётган банкларда бошқарув томонидан актив ва пасивларни бошқариш фаолиятидаги хато, фоизга таъсирчанлик ҳисоби-ни юритмаслик оқибатида даромад ололмаслик, тўлов қобилятини йўқотиш ва кредит rischi каби riskларга олиб келувчи вазиятлар юзага келганлигидан далолат беради.

Таҳлил этиб ўтилган бош банклар молиявий ҳисоботлари кўрсаткич-ларида кредит амалиётларидан олинаётган натижавий кўрсаткичлар ўзгаришининг сабабини аниқлаш мақсадида тижорат банкларининг даромад келтирмайдиган ҳаракатсиз ва муаммоли кредит тоифасига кириб қолган кредит муносабатларини бирламчи ҳужжатлар асосида ўрганиш орқали банкларда кредитлаш жараёни қандай йўлга қўйилганлигини ҳамда кредит riskларининг юзага келиш сабаблари ҳақида хулоса олишга имкон беради.

2.3 Муаммоли кредитларни бошқариш стратегиялари ва уларни амалиётда қўллаш.

Бугунги кунда тижорат банклари кредит портфелининг маълум бир қисмини муаммоли кредитлар ташкил этади. Ажратилган кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларнинг олдини олиш мақсадида, тижорат банкининг кредит портфели доимий равишда таснифланиб борилади. Муаммоли кредитлар тижорат банклари фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Банкларнинг асосий вазифаси, кредит бериш ўрнига кредитларнинг ўз муддатида қайтарилишини таъминлашдангина иборат бўлиб қолмоқда. Чунки, муаммоли кредитлар тижорат банкининг фойда олиб келадиган активларини камайтиради, бу эса ўз навбатида, банкнинг истиқбол режаси кўрсаткичларига эриша олмаслигидан далолат беради. Банкларнинг кредит портфелини диверсификациялашдан мақсад ҳам шу, муаммоли кредитларнинг юзага келишига йўл қўймаслик, банкнинг кредит сиёсати соҳасидаги стратегияни ишлаб чиқиш, кредитларнинг сифатини таҳлил қилиш, ва уни яхшилаш учун турли йўللари излашдан иборатдир. Банкларнинг кредит портфели – бу кредит рискларига асосланган ҳолда бирор кўрсаткич ёки сифат бўйича туркумланган кредитлар йиғиндисидир.

Кредит портфелини тўғри ташкил қилиш банкнинг самарали фаолиятини амалга оширишнинг, унинг кредит инвестиция сиёсатини олиб боришининг асоси ҳисобланади. Мавжуд ресурсларни сифатли ва даромад келтирадиган қилиб жойлаштириш банкларнинг молиявий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади. Тижорат банкларининг кредит портфелини уларнинг сифат даражаси, риск даражаси бўйича, тармоқлар бўйича, кредитнинг манбалари, таъминланганлиги, муддатлари ва бошқалар бўйича таҳлил қилиш мумкин.

Кредит портфелини диверсификация қилиш усули ушбу хусусиятларни ўзида ифодалайди:

1. Кредитни кўп сонли, турли тармоққа таалукли мижозлар ўртасида тақсимлаш
2. Кредитни кам миқдорда бериш ва бир мижоздан кўрилиши мумкин бўлган зарарни бошқа мижозлардан келадиган фойда орқали қоплаш
3. Кредитнинг умумий хажмини сақлаб турган ҳолда қисқа муддатларга кредит бериш
4. Кредитларнинг таъминланганлиги бўйича диверсификация ўтказиш.

Кредит портфелини диверсификациялаш қарзни тўламаслик рискинни энг оддий ва осон усул билан хеджирлашга ёрдам беради ва банкнинг ссуда ва депозитлари кенг мижозлар кўламига бўлиб чиқишни англатади.

Кредитларни диверсификация қилишда кредитларни кам миқдорда кўпроқ мижозларга беришга алоҳида эътибор қилиш лозим.

Ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, умуман олганда тижорат банклари кредит портфелининг сифатли бошқаруви бевосита банк томонидан кредит сиёсатини амалга ошириш амалиётининг асосий йўналишларини белгилаб олинганлиги билан баҳоланади. Кредит сиёсатини амалга ошириш амалиётининг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Банк томонидан берилган кредитларнинг иқтисодиётнинг тармоқлари ўртасида жойлаштирилганлик ҳолати.

Ушбу йўналишнинг аҳамияти шундаки, тижорат банклари кредит портфелини диверсификация қилишнинг асосий мезонларидан бири кредитларни мижозларнинг тармоқ хусусиятига кўра жойлаштирилганлиги ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда, ушбу йўналиш кредит сиёсатининг самарадорлигини белгилашда ҳисобга олинadиган асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Республикамизнинг йирик тижорат банкларида кредитларнинг сезиларли қисмини маълум тармоқ корхоналарида тўпланиб қолиш ҳоллари

кузатилмоқда. Масалан, ОАТБ“Агробанк” ва “Микрокредитбанк” кредитларининг асосий қисми мамлакатнинг саноат ва қишлоқ хўжалиги тизимидаги корхоналарда тўпланган.

2. Тижорат банки томонидан берилаётган қисқа ва узоқ муддатли кредитларнинг ўзаро нисбати.

Кўпчилик ривожланаётган давлатларда инфляция даражасининг нисбатан юқори ва нобарқарор эканлиги тижорат банкларининг кредит портфелида қисқа муддатли кредитлар ҳажмини ошириш тижорат банки даромад базасини мустаҳкамлашнинг синалган усулларида бири ҳисобланади.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, республикаимизнинг йирик тижорат банкларининг кредит портфелида узоқ муддатли кредитларнинг салмоғи юқори миқдорни ташкил этади. Масалан, 2009 йилда бу кўрсаткич “Агробанк”да 65,0 фоизни, «Микрокредитбанк»да эса 67,2 фоизни ташкил қилди¹⁶. Бу ҳолат банкларнинг миқдорларнинг инвестицион харажатларини молиялаштиришдаги ролини юқори эканлигидан далолат беради.

3. Кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг жами фоизли даромадлар ҳажмидаги салмоғининг барқарорлигини таъминлаш.

Тижорат банкининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг бирламчи омилларидан бири кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг жами фоизли даромадлар ҳажмидаги юқори ва барқарор даражасини таъминлаш ҳисобланади. Бунинг боиси шундаки, кредитлаш тижорат банклари фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланади. Шунинг учун банклар ялпи даромадининг асосий қисмини кредитлаш фаолиятидан олишлари лозим.

4. Кредитлаш шаклларида фойдаланиш даражаси.

Кредитлаш шаклларида тўлақонли тарзда фойдаланиш кредит сиёсатининг самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи асосий

¹⁶ Мазкур банкларнинг йиллик ҳисоботлари асосида ҳисобланди.

омиллардан. Кредитлаш шакллари банкнинг кредитлаш имкониятини оширишга бевосита таъсир қилади.

5. Банкларнинг кредитлаш фаолиятида гаров объектларидан фойдаланиш самарадорлиги.

Республикамизнинг тижорат банкларнинг фаолиятида кредитларни гаров асосида бериш кредит сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, гаров объектларидан унумли фойдаланиш масаласини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

6. Тижорат банкларининг етарли даражада барқарор ресурс манбаларига эга эканлиги.

7. Тижорат банклари томонидан берилган жами кредитлар ҳажмида муддати ўтган кредитлар салмоғининг ўзгариши.

Тижорат банклари томонидан берилган жами кредитлар ҳажмида муддати ўтган кредитлар салмоғининг ўзгариши кредит сиёсатининг самарадорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Ривожланган хорижий давлатлар банк амалиётида, хусусан Ғарбий Европа давлатларининг банк амалиётида муддати ўтган кредитларнинг жами кредит қўйилмалари ҳажмидаги салмоғини 3 фоиздан ошмаслиги нормал ҳолат ҳисобланади. Бу кўрсаткичнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган чегаравий миқдори 5 фоизни ташкил қилади.

Муаммоли кредитлар молиявий инқироз натижасидир. Лекин шунга қарамасдан, кўпгина мамлакатларда шундай қарз олувчилар синфи мавжудки, улар кредитни тўламайдиган ёмон қарз олувчилар деб аталади, чунки бундай қарз олувчилар кредитни сўндира олиш имкониятига эга бўлсада, уни сўндиришни хоҳламайдилар. Пул маблағлари билан бўладиган инқирозлар кутилмаганда юзага келади, лекин мунтазам ривожланиб боради. Кредит бўлими ходимлари эҳтимолий йўқотишларга қарши турадиган биринчи линия ҳисобланадилар. Улар юзага келаётган инқирознинг биринчи белгиларини сезишлари ва таҳлил қила олишлари ҳамда унга қарши тура олишлари лозим.

Муаммоли кредитларнинг юзага келишига йўл қўймаслик учун кредит инспектори қуйидаги омилларга эътибор қаратиши лозим:

1. Мижоз аризасини диққат билан ўрганиб чиқиш,
2. Мижоз тақдим этган ҳужжатларни ўрганиб чиқиш ва таҳлил этиш, кредит аризасига илова қилинган зарурий ҳужжатлар ва мажбурий ҳужжатлар(қарз олувчининг молиявий ҳисоботи, кредит шартномаси, гаров шартномаси, кафиллик ва кафолат шартномалари) рўйхати.
3. Мижоз тақдим қилган ҳужжатлар асосида мижознинг молиявий ҳолатини ўрганиш ва баҳолай олиш,
4. Мижоз томонидан тақдим этилган гаров объектини тўғри баҳолаш,
5. Кредит ҳужжатларини тўғри юритиш.
6. Кредит иши учун ким масъул эканлигини белгилаш ва ҳарбир инспекторнинг ўз иши учун жавобгар бўлиши.
7. Кредит устидан доимий назоратни олиб бориб, эҳтимолий йўқотишлар хавфини олдини олиш.

Муаммоли кредитлар билан ишлаш тизими жуда ҳам мураккаб тизим бўлиб, унинг амал қилишига энг жиддий таъсир қиладиган омиллардан бири инсон омили ҳисобланади. Чунки бундай кредит учун масъул бўлган кредит ходими айнан у шуғулланаётган ссуда билан муаммолар юзага келганида банкни қийин аҳволга солиб қўйганидан кўрқиб, “ваҳима(хавотир) сигналлари” ҳақида эълон қилмайди. Тажриба шуни кўрсатадики, кўпинча ходимлар яшираётган муаммоли ссудалар ҳатто, улар ўйлаганларидан ҳам ёмонроқ ҳалатни келтириб чиқаради. Лекин банк раҳбарияти ўз кредит портфели муаммоларидан хабардор бўла туриб уларни яширса ва шу билан бир пайтда ундан келадиган зарарни рискли кредитлар бериш ва спекулятив операциялар эвазига қоплашга уринса, аҳвол бундан-да баттар ёмонлашиши мумкин.

Бундай вазиятлардан қочиш мақсадида банклар кредит бўлими ходимлари яширишга уринаётган ёки эътиборсиз қолдириб кетган муаммоли кредитларнинг белгиларини аниқлаш учун кредитларни даврий, мустақил ва

объектив текширадиган ички аудит текширувларини ташкил этадилар. Тартибга солиш ва назорат қилиш органлари томонидан олиб борилган текширувлари ҳам кўпинча аҳамиятсиз қолдирилган муаммоли ссудаларни аниқлашга ёрдам беради. Кредит рискларини самарали бошқариш жараёнида банкнинг ички назорат тизими муаммоли кредитларни энг биринчи аниқловчи тизим сифатида амал қилади.

“Хавотир сигналлари”. Агарда мижоздан молиявий ҳисобот маълумотларининг олинishi асоссиз равишда кечиктирилса, айниқса, кредит шартномасида талаб қилинган маълумотларни олиш даври белгиланган муддатларда олинishi шарти кўрсатилган ёки назарда тутилган бўлса номолиявий хавотир сигналлари юзага келади ва хавотир сигналлари шундай вазиятларни англатади. Мижозлар томонидан маълумотларни кечиктириш сабабларини тушунтиришга уринишнинг ўзи муаммоли кредит белгиларининг намоён бўлганини англатади.

Бошқа номолиявий белгилар мижоз фаолиятида режаларнинг бирдан ўзгариши, компания раҳбарияти таркибида кутилган радикал ўзгаришларнинг содир бўлиши ёки қарз олувчи бозорида ноқулай тенденцияларнинг ривожланишидан иборат бўлиши мумкин. Юқоридаги каби у ёки бу салбий оқибатлар натижасида мижознинг молиявий ҳисоботларининг кечикиш сабабларини бирма-бир банкка тушунтириб ўтириш мижознинг хоҳиши эмас албатта ва бу эса, банк ва мижознинг ўзаро алоқаларида бўлиши лозим бўлган ишонч ва ҳамкорликнинг рад этилишига сабаб сифатида баҳоланиши мумкин. Энг ёмони, мижознинг бу сабабларни очик ойдин тушунтиришни хохламаслиги қандайдир кўнгилсиз маълумотнинг яширишга ҳаракат қилаётганлигига хизмат қилиши мумкин. Ва аксинча, баъзан мижоз ўзининг у ёки бу маълумотларини беришни рад этиш сабабларини рақобатчилардан ҳимояланиш мақсадида қилганлигини важ қилиб ўзини оқлаши ҳам мумкин.

Муаммоли кредитнинг молиявий белгилари молиявий ҳисоботларни таҳлил қилиш натижасида намоён бўлиб қолиши мумкин. Фақат бундай ҳолларда кўнгилсиз воқеалардан қочиб бўлмайди. Муаммоли кредитларнинг молиявий белгилари қарз олувчига берилган кредитларни модификация қилиш орқали намоён бўлиши мумкин. Мижозларнинг кредит муддатларини узайтириш ёки овердрафт кредитларига қўйилган лимитларни ўстириш тўғрисидаги илтимослари пул маблағлари ҳаракатининг меъёрида эмаслигига далолат бўлади. Кредитнинг шартлари кредитнинг мақсадига мувофиқ келиши керак.

Яширин муаммоли кредитлардан дастлабки таъсирланиш. Муаммоли кредитларнинг молиявий ёки номолиявий белгилари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига боғлиқ равишда бундай белгилар банк кредит бўлими ходимини бунга тайёр туришга ундаши лозим. Уларнинг эрта пайдо бўлиши зарурий маълумотларни тўплашга ва стратегияни ишлаб чиқишга имкон беради. Кредит бўлими ходими кредит аҳволи ёмонлашаётганини сезган заҳотиёқ, куйидаги чораларни ва меъёрларни қўллаши:

- қарз олувчининг муаммоларини таҳлил қилиш;
- муаммоли кредитлар билан шуғулланувчи бўлим ходими ёки раҳбариятдан маслаҳат олиш;
- кредитга энг паст тавсифни беришни маслаҳат бериб, ундан банк фойдасига келадиган фоизни акс эттиришни;
- банк ушбу мижоз билан ишлаганда яна қаерда риск билан тўқнаш келиши мумкинлиги тўғрисида маълумот тўплаш лозим;
- мижоз ҳисобрақамини доимий текшириб бориш;
- барча кредит ҳужжатларини, гаров, векселлар, таъминланганлик, ипотекани кўриб чиқиш;
- кредит таъминланмаган бўлса, таъминотни қўлга киритиш имкониятларини ўрганиб чиқиш.;
- хатоларни тузатиш меъёрларини ишлаб чиқиш.

Режани ишлаб чиқишнинг дастлабки босқичида уни ким бошқаришини аниқлаб олиш зарур. Айрим банклар ушбу жараёни кредит бўлимининг айнан шу кредит билан ишлаётган ходими бошқариб бориши керак деб ҳисоблайди. Чунки бу ходим ўзи ишлаётган мижозини бошқаларга қараганда жуда яхши билади ёки у ишни шундай вазиятга олиб келиб қўйган экан, демак, банкни бу вазиятдан унинг ўзи олиб чиқиши лозим.

Бошқа банклар эса, бундай вазиятлар учун алоҳида мустақил бўлимлар ташкил этадилар ва бу бўлимлар мижоз билан ўзаро алоқаларга ҳалал бермайдиган объектив усулларни ишлаб чиқади. Иккала йўналиш ҳам устунликдан кўра кўпроқ камчиликларга эга. Муаммоли кредитлар билан ишлаш кўп вақтни ва йўқотишларни талаб қилади. Бир томондан, бозорни яхши биладиган банк ходими томонидан муаммоли кредитни тиклашга сарфланадиган вақт янги кредитларни беришга сарфланиши мумкин бўларди. Бундан ташқари, банк ходимининг мижоз билан ортиқча ўзаро алқаси унинг услибиётини қатъий ва объектив бўлишига йўл қўймайди. Бошқа томондан, банкнинг махсус бўлими ходимлари ўзларининг қимматли вақтларини мижоз ишлайдиган компания ва тармоқни ўрганишга сарфлашларига тўғри келади.

Кредитни “қутқариш” стратегияси. Бу ерда қандайдир универсал қоида мавжуд эмас, ҳар бир муаммоли кредит қанчалик ўзининг ноёб хусусиятига эга бўлмасин, у билан ишлашнинг шунчалик кенгайган қуйидаги йўллари мавжуд:

- қарздорлик структурасининг ўзгариш дастурини ишлаб чиқиш;
- қўшимча гаров ва ҳужжатларни олиш;
- қўшимча таъминотни ушлаб туриш;
- қўшимча маблағлар қўйилмаси;
- бошқа активларни сотиш;
- кафилга мурожаат қилиш;
- харажатларни қисқартириш дастурини ишлаб чиқиш ва.ҳ.казо.

Катта миқдордаги реал мавжуд муаммоли ссудалар активларни таснифлаш, кредитлар бўйича заҳиралар ташкил қилиш, муаммоли кредитлар ҳисобини юритиш ва кредитларни ҳисобдан чиқариш каби чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади.

Муаммоли кредитлар масаласи нафақат бизнинг Республикамизда, балки барча Ғарб мамлакатлари ва МДХнинг бошқа мамлакатларида ҳам долзарб масалалардан бирини ташкил этади. Россияда “Кредит ташкилотларини реструктуризация қилиш ташкилоти”(АРКО) томонидан ўтказилган Форум ҳам айнан шу масалага бағишланиб, “Муаммоли активлар”Форуми деб номланди ва унда 40дан ортиқ мамлакатларнинг 250дан ортиқ банкирлари, бошқарув органи вакиллари аудиторлари ва маслаҳатчилари иштирок этиб, қайтмаётган муаммоли кредитларни ҳал қилиш усуллари, уни бартараф этишнинг янги технологиясини ишлаб чиқиш ҳақида музокара олиб бордилар. Ушбу Форумда АҚШ, Жанубий Корея, Хитой, Чехия ва бошқа мамлакатларнинг активларни бошқариш корпорациясидан вакиллар ҳам иштирок этишди.

Шунингдек, муаммоли кредитлар билан ишлашнинг хориж технологияси катта аҳамиятга эга бўлиб, ушбу технологияни қўллаш билан яхшигина ютуқларга эришиш мумкин. PricewaterhouseCoopersнинг бош маслаҳатчиси Эдмондс Осиё ва Европа мамлакатларида муаммоли кредитлар билан ишлаш услубини кўриб чиқиб, уларни бошқа мамлакатлар билан солиштириб кўрди ва у бундан хулоса қилиб, ўзининг банкротлик жараёнини ислоҳ қилиш технологиясини, битимларни тизимлаш технологиясини ва даромадларни тақсимлаш ва ҳисоб рисклари технологиясини таклиф этди. Айниқса, бир қанча мамлакатларда ноқобил компаниялар капиталини реструктуризация қилишда фойдаланиладиган қўшма корхоналарни яратиш технологияси кўпчиликда катта қизиқиш уйғотади. Бундай корхоналар шунингдек, манфаатдор томонлар учун фойдали бўлган ишламайдиган активлар билан қарзларнинг очиқ бозордаги савдоси орқали ёки компанияни

Ўз кучи билан реструктуризация қилиш орқали маблағларни банкка қайтариш даражаси ўртасидаги муносабатни шакллантиради.

Банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш, омонатчилар ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳисобот йилида барча тижорат банклари фаолияти ушбу рейтинг тизими асосида инспекциядан ўтказилди ҳамда уларнинг реал молиявий ҳолати аниқланиб, тегишли рейтинг даражаси билан баҳоланди.

Банк фаолиятини назорат қилиш жараёнида тижорат банкларининг активлари таркиби ва сифати, уларнинг даромадлилик даражаси, банклар томонидан активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши етарли даражада заҳиралар шакллантирилганлиги, банк капиталининг етарлилик даражаси ҳамда ликвидлилик кўрсаткичлари таҳлил қилиб борилди.

Шунингдек, тижорат банклари кредит портфелини соғломлаштириш, мақсадида Марказий банк томонидан тижорат банкларининг кредит портфели таркибидаги муаммоли активларининг ундирилиши устидан мониторинг ишлари давом эттирилиб, тўлов муддати ўтган кредитлар салмоғини янада камайтириш бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан, молия интизомини мустаҳкамлаш, кредит операциялари бўйича таваккалчиликларни камайтириш ва потенциал қарз олувчилар тўғрисида ахборот билан таъминлашнинг халқаро тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Кредит ахбороти миллий институти (КАМИ) ташкил этилди.

Ҳозирги пайтда КАМИ томонидан тижорат банкларидан олинадиган маълумотлар – кредит, лизинг ҳамда факторинг операциялари ва уларнинг қарздорлари тўғрисидаги ахборотлар асосида маълумотлар базаси автоматик тарзда шакллантирилиб, қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисида маълумотлар жамланмоқда. Бу эса тижорат банкларининг потенциал қарз олувчилар тўғрисидаги маълумот базасини кенгайтириб, кредит

операциялари бўйича вужудга келиши мумкин бўлган таваккалчиликларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Муаммоли кредитларни сўндиришнинг яна бир муҳим технологияси активларни давлат корпорациялари томонидан бошқариш амалиётидир. Масалан, Кореяда айнан шундай технология қўлланилади, яъни ***Korea Asset Management Corporation (KAMCO) корпорацияси*** айнан шундай фаолият билан шуғулланиб келмоқда. Бу технологияга биноан, давлат ишламайдиган активлар бозорини тезкорлик билан яратиб, ушбу бозорда ишламайдиган активлар савдосини ўтказди.

Хитойда эса, Хитой корпорацияси Ernst & Young мутахассислари кўмагида очик бозорда муаммоли кредитларни реализация қилиш амалиёти қўлланилмоқда. Бундан ташқари, Хитой ҳукумати Morgan Stanley и Goldman Sachs ташкилоти билан биргаликда муаммоли кредитлар билан ишловчи иккита қўшма корхонани ишга туширди.

Муаммоли кредитлар билан ишлашда шунингдек, муаммоли кредитлар билан ишлашнинг юридик ҳужжатлари, жисмоний шахсларнинг муаммоли қарзлари билан ишлаш технологиялари, муаммоли активларнинг аукциони ва уларнинг баҳосини максималлаштириш ташкилотлари технологияси, муаммоли активлар билан ишлашда шубҳали битимларни кўриб чиқиш ва уларни тадқиқ этиш технологиялари ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, уларни қўллаш орқали муаммоли кредитлар ҳажмини камайтириш ва банк тизимини кутилаётган инқироздан олиб чиқиб, уни ривожлантириш мумкин.

Муаммоли кредитларни бартараф этиш йўллари турли мамлакатларда уларнинг хусусиятидан келиб чиқиб белгиланади. Бизда муаммоли кредитларни бартараф этишнинг бир қанча йўллари ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган. Хориж амалиётидан ҳам фойдаланилган. Лекин хориж тажрибаси ҳар доим ҳам идеал бўлавермаслигини бугун жаҳонда юз бераётган молиявий инқирознинг ўзи исботлаб турибди. Шунинг ҳисобга олиб, банкларимиз маҳаллий бозор хусусиятларини, фуқаролар савиясини ва бошқа қатор хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда тижорат банкларининг

муаммоли кредитлар билан ишлаш жараёнларини такомиллаштиришлари лозим.

III боб. Тижорат банкларининг муаммоли кредитларини бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш йўллари.

3.1 Тижорат банкларининг муаммоли кредитларини бартараф этиш йўллари.

Муаммоли кредитларни бартараф этиш амалиёти самарали бўлиши учун уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, таснифлаш муаммолик кредитларни бартараф этиш жараёнининг асосий ва дастлабки босқичларидан биридир.

Банкларда юзага келган муаммоли кредитларни бериш белгиларига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлиб, таснифлаш мақсадга мувофиқдир. Булар:

- Банкнинг ўз қарори бўйича берилган кредитлар;
- ҳукумат қарори бўйича берилган кредитлар;
- Вазирликлар қафолати бўйича берилган кредитлар;
- Бошқа турли қарор ва қафолатлар бўйича берилган кредитлар.

Агар банк барча рискни ўзига қабул қилган ҳолда ўзи кредит беришга қарор қилиб, бу кредит бўйича муаммолар юзага келган бўлса, у ҳолда банк мижознинг акциядорлик муносабатини кўриб чиқиши лозим. Агар мижоз банкнинг акциядори бўлса, кредитни қайтариш масаласини унинг акциядорлик жамиятидаги салмоғи ҳисобидан амалга ошириши мақсадга мувофиқдир. Мабодо кредит ҳукумат ёки вазирликлар қафолати бўйича берилган бўлса, Ш. 3. Абдуллаева томонидан у кредитларни ундиришнинг қуйидаги ечими таклиф килинган.

Молия Вазирлигида ҳукумат қафолати бўйича берилган, лекин муаммоли кредитларга айланган кредитлар бўйича иш олиб борувчи

агентлик-эмитентларни ташкил қилиш лозим. Бу агентликка облигациялар чиқариш ҳуқуқи берилиб, муаммоли кредитлар бўлган банклар шу облигацияларни сотиб олиш йўли билан муаммоли кредитлар салмоғини қоплаши мумкин. Облигациялар узоқ муддатга эга бўлган ҳолларда банклар улар бўйича дивиденд олиш имконига эга бўлишлари лозим. Муаммоли кредитлар бозорини ташкил қилиб унда муаммоли кредитларни ва улар бўйича банклар олган облигацияларни сотишни йўлга қўйиш лозим.

Муаммоли кредитлар юзага келиш сабаблари бўйича бир-биридан фарқ қилсада, уларнинг олдини олишда қўйидаги ёндашишлар қўл келиши мумкин. Бунда:

- қарзни реструктуризация дастурини ишлаб чиқиш;
- қўшимча ҳужжатлар ва кафолатлар олиш;
- қўшимча фондларни тўхтатиш ёки қўшимча инъекция қилиш;
- Гаровни сотиш;
- Бошқа активларни сотиш;
- Кафолат бўйича тўловни талаб қилиш;
- Бошқарувни алмаштириш;
- Менежмент ишларини олиб бориш;
- ҳуқуқий ишларни қўриб чиқиш ва бошқалар.

Бизга маълумки, тижорат банкларининг ишончилиги ва барқарорлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш Марказий банк томонидан мувофиқлаштириб борилади. Шунинг учун банклар тизимининг самарали ва барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш масаласи турли мамлакатлар Марказий банкининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Ҳар бир мамлакатда бу соҳада ўрнатиладиган назорат Марказий банк томонидан тижорат банкларида уларнинг активлари бўйича мумкин бўлган йўқотишларни қоплаш учун заҳиралар ташкил қилиш ва уни доимо барқарор ушлаш масаласини қўяди.

Шу билан бир қаторда муаммоли кредитларни бартараф этиш юзасидан қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур:

1.ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Тошкент шаҳар Минтакавий Филиалида муаммоли кредитларни бартараф этишда муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғини пасайтириш мақсадида:

- банк томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда бизнес-режалардаги кўрсаткичларнинг ишончли эканлигини текшириш ва уларга таъсир қилувчи омилларни баҳолаш тартибини такомиллаштириш лозим;

-ўзини оқламаган лойиҳаларга берилган кредитларнинг гаров таъминотини сотишни тезлаштириш ва бошқа таъминот объеклари реализацияси ижросини таъминлаш;

-муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғининг 5 фоиздан ошмаслиги хусусидаги талаб алоҳида кўрсаткич сифатида банкнинг кредит сиёсатида белгилаб қўйилиши ва унга риоя қилиш устидан мониторинг ва назорат Банк Бошқаруви ва Кенгаши томонидан доимий равишда олиб борилиши лозим.

2. ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Тошкент шаҳар Минтакавий Филиалида ходимларининг кредит олувчиларнинг молиявий ҳисоботлари кўрсаткичларининг ишончлилигини аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш борасидаги билим ва малакаларини оширишни таъминлаш асосида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тартибини такомиллаштириш лозим.

Республикамиз тижорат банклари кредит инспекторларининг корпоратив бухгалтерия ҳисобини яхши билмасликлари улар томонидан амалга оширилаётган молиявий таҳлилнинг сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Чунки инспектор корпоратив ҳисобни яхши билганидагина мижоз томонидан тақдим этилган молиявий ҳисоботлардаги маълумотларнинг ишончли эканлигини текшира олади.

Республикамиз тижорат банклари барқарор пул оқимиға эга бўлган миждозларни алоҳида ажратиб олишлари ва уларнинг кредит тўлов қобилятини аниқдашда пул оқимини баҳолаш усулидан фойдаланишлари лозим. Барқарор пул оқимиға эга бўлмаган миждозлар алоҳида ажратиб олиниб, уларнинг кредит тўлов қобиляти молиявий коэффициентлар усули орқали аниқланиши зарур.

Барқарор пул оқимиға эга бўлган миждозларни кредитни ўз вақтида тўлай олиш қобиляти юкори бўлганлиги сабабли, уларни кредитлаш жараёнидаги рискларнинг даражаси нисбатан паст бўлади. Аммо пул оқими беқарор бўлган миждозларнинг кредитни қайтариш қобилятини молиявий коэффициентларни комплекс қўллаш орқали аниқ баҳолаш мумкин.

3. Кредит хужжатларини тижорат банкининг Кредит қўмитасида кўриб чиқиш жараёнини такомиллаштириш лозим.

Тақдим этилган кредит хужжатлар йиғмажилди қўмита мажлисида кўриб чиқилишидан аввал, қўмита аъзоларининг мазкур субъектни кредитлашга доир ёзма хулосаси берилиши лозим. Қўмита аъзоларининг 2 та аъзоси хулоса бермаган тақдирда мазкур субъектга кредит бериш масаласи аъзолардан тўлиқ хулоса олингунга қадар қўмита йиғилишига киритилиши мумкин эмас. Лекин бу муддат 3 кундан ортиб кетишига йул қўймаслик лозим.

4. Тижорат банкнинг кредитлардан олинадиган фоизли даромадларининг ялпи даромад хажмидаги салмоғининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида:

биринчидан, кредитларнинг брутто активлар хажмидаги салмоғини пасайишига йўл қўймаслик зарур; иккинчидан, кредитлар фоиз ставкаларининг кескин тебрашининг олдини олиш лозим; учинчидан, муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар хажмидаги салмоғи кўрсаткичининг меъёрий даражасини таъминлаш зарур.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертларининг тавсиясига кўра, муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар хажмидаги

салмогининг 3 фоиздан ошмаслиги нормал ҳолат ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичнинг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражаси 5 % ҳисобланади.

Тижорат банклари кредитлари фоиз ставкаларининг бекарорлиги кредитларнинг даромадлилигига салбий таъсир этади. Шу сабабли, Марказий банк тижорат банклари кредитлари фоиз ставкаларининг барқарорлигини таъминлаш масаласини ўзининг муҳим вазифаларидан бири сифатида эътироф этиши зарур.

5. Пул базасининг кредит мультипликаторига таъсир даражасини пасайтириш йўли билан тижорат банкларининг кредит экспансиясини рағбатлантириш, монетизация коэффициентининг амалдаги даражасини сезиларли даражада ошириш зарур.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг депозитларига нисбатан белгиланган мажбурий захира ставкаларининг даражаси нисбатан юқори бўлиб, бунинг натижасида тижорат банкларининг кредит эмиссиясига нисбатан салбий таъсир юзага келмоқда. Мажбурий захира ажратмалари пул базасининг муҳим таркибий қисми бўлганлиги сабабли, республикада, пул базасининг тижорат банклари кредит эмиссиясига таъсири юқори бўлмоқда.

Фикримизча, пул базасининг тижорат банклари кредит эмиссиясига нисбатан салбий таъсирига барҳам бериш мақсадида тижорат банкларининг бир йилгача муддатга жалб қилинган сўмдаги ва хорижий валютадаги муддатли депозитларига нисбатан белгиланган мажбурий захира талабномаларини инфляциянинг жорий йиллик даражасидан ошмаган ставкада белгилаш зарур. Бунинг натижасида талаб килиб олинadиган депозит счётларидаги ҳамда юридик шахсларнинг жамгарма депозит счётларидаги пул маблағлари камайиб, уларнинг ҳисобига муддатли депозит счётидаги маблағлар кескин кўпаяди. Бу эса, ўз навбатида, республикада тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тижорат банкларининг талаб қилиб олинадиган депозит счётларидаги пул маблагларининг камайиши хорижий валюталарга бўлган талабнинг камайишига олиб келади. Бунинг натижасида миллий валютанинг барқарорлик даражаси ошади.

Диссертацион тадқиқотнинг иккинчи бобида амалга оширилган таҳлилларнинг натижалари курсатдики, республикамизда монетизация коэффицентининг амалдаги даражаси паст. Масалан, 2013 йилнинг якуни бўйича республикамизда монетизация коэффиценти 23,2 фоизни ташкил қилди. Халқаро Валюта фонди экспертларининг фикрига кўра, монетизация коэффиценти камида 30-33 фоизни ташкил этиши зарур. Акс холда, мамлакатда тўловсизлик муаммоси юзага келади.

Тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини ошириш орқали монетизация коэффицентининг даражасини ошириш мумкин. Бунинг натижасида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорлик ҳажмини сезиларли даражада қисқартириш мумкин.

6. Тижорат банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш орқали уларнинг кредит эмиссияси миқдорини ошириш зарур.

Тадқиқотнинг иккинчи бобида амалга оширилган таҳлилларнинг натижалари шуни кўрсатдики, республикамиз йирик тижорат банкларининг ресурс базаси заиф. Ушбу муаммо талаб қилиб олинадиган депозитларнинг жами депозитлардаги салмоғининг 50 фоиздан юқори эканлигидад яққол намоён бўлади.

Тижорат банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида, улар томонидан бир йилдан ортиқ муддатга чиқарилаётган облигацияларнинг эмиссия ҳажмини ошириш ва инвесторларнинг мазкур облигациялардан оладиган даромадларини фойда (даромад) солиғидан озод қилиш лозим. Облигацияларни фойда солиғидан озод қилиниши уларнинг инвестицион жозибadorлигини оширади. Бу эса, ўз навбатида, уларга бўлган талабнинг ошишига олиб келади.

Тижорат банкнинг облигацияларига тўланадиган фоизларнинг даражаси инфляция суръатидан ва миллий валютанинг қадрсизланиш даражасидан юқори бўлиши лозим. Агар ушбу шарт бажарилмаса, у ҳолда, банклар облигацияларининг инвестицион жозибадорлиги пасайиб кетади. Мазкур шартнинг бажарилиши Ўзбекистон Республикаси амалиёти учун долзарб ҳисобланади ва ушбу ҳолат қуйидаги сабабларнинг мавжудлиги билан изоҳланади:

- миллий валютанинг қадрсизланиш жараёнини давом этаётганлиги
- инфляциянинг сезиларли даражада эканлиги

7. Марказий банкнинг Репо операциялари ҳажмини ошириш йўли билан тижорат банкларининг ликвидлилигига ва кредит эмиссияси даражасига таъсирини кучайтириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2005 йилдан буён профицит билан бажарилаётганлиги Марказий банкнинг Репо операциялари ҳажмини оширишга тўсқинлик қилмоқда. Бунинг сабаби шундаки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки очик бозор операцияларининг объектлари сифатида фақат ҳукуматнинг қимматли қоғозларини тан олади.

Фикримизча, корпоратив қимматли қоғозлар, тижорат банкларининг облигациялари ва депозит сертификатлари ҳам Марказий банкнинг очик бозор операциялари объектлари рўйхатига киритилиши лозим.

2008 йилда юз берган жаҳон молиявий- иқтисодий инқирози тараққий этган мамлакатларда Марказий банкларнинг очик бозор операциялари объектлари сонининг ошишига олиб келди.

Жаҳон молиявий инқирози туфайли Марказий банклар томонидан тижорат банкларига қимматли қоғозларини гаровга олиш йўли билан бериладиган кредитлар ҳажмини ошириш зарурияти юзага келди. Шунинг учун ЕМБ айрим корпорацияларнинг акцияларини ва ипотека қимматли қоғозларини марказлашган ломбард кредитлари учун гаров сифатида қабул қилишини эълон қилди. Натижада 2008 йилда 8 мингта банк ЕМБдан қимматли қоғозларни гаровга қўйиб кредит олиш имконига эга бўлди⁸.

АКШ ФЗТ ва ЕМБ дан фарқли равишда Англия Марказий банки жаҳон молия инқирозининг дастлабки пайтларида марказлашган кредитлар хажмини оширмади, лекин 2007 йилнинг сентябр ойдан бошлаб, ҳукуматнинг қимматли қоғозлари ҳамда компаниялар ва банкларнинг облигациялари ҳамда ипотека облигацияларини гаровга олиш йўли билан тижорат банкларига қайта молиялаш кредитлари бера бошладилар.

8. Тижорат банки кредитларининг фоиз ставкаларининг барқарорлигини таъминлаш ва суғуртани қоплаш суммаларини ўз вақтида ундирилишига эришиш йўли билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига берилган кредитларнинг қайтарилиш даражасини ошириш лозим.

9. Кредит бериш жараёнида мижознинг молиявий ҳисоботларини бухгалтерия ҳисоби курсаткичларига мос келишини аудиторлик хулосаси билан биргаликда уларнинг ўзаро боғлиқлигини текшириш лозим. Чунки айрим ҳолатларда аудиторлик хулосалари ҳақийқий ҳолатни акс эттирмайди. Шу сабабли бухгалтер ёки кредит инспектори танлаб айрим кўрсаткичларнинг туғрилигини, бухгалтерия баланси, капиталнинг шаклланиши, дебитор ва кредиторларни текшириши керак.

10. Гаровга қўйилган мулкларни қийматини қадрсизланиши масаласи ҳам муҳим бўлиб, уларни ҳар йили қайта баҳоланишининг тўғрилигини, шу мулкларни баҳоловчи-экспертлар томонидан берилган хулосаларга мос келишини назорат қилиш лозим. Бунда қайта баҳолаш қайси усулда амалга оширилганлиги ва унинг тўғрилигини назорат қилиш керак. Бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттирилган қиймат баҳоловчи-эксперт томонидан берилган хулоса билан таққосланади.

3.2 Тижорат банкларининг муаммоли кредитларини бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш йўллари.

Тижорат банкларида юзага келган муаммоли кредитларнинг бухгалтерия ҳисобини ўз вақтида ва аниқлик билан амалга оширилса кейинчалик улар бўйича кўриладиган зарарларни олдини олишни имкони пайдо бўлади. Муаммоли кредитларни бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш учун қуйидаги операцияларни тўғри ва ўз вақтида бажарилса кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Муддати ўтган қарздорлик ва уларни тўлаш ҳисоби. Агар қарздор қандайдир сабаб билан ўз вақтида асосий қарз ва фоизларни тўлай олмаса, у ҳолда тўлов суммаси муддати ўтган ҳисобланади. Бу қарз олувчининг муддати ўтган қарздорлигини мавжудлигини билдиради. Ушбу ҳолат банк учун салбий ҳолат деб баҳоланади. Асосий қарз бўйича муддати ўтган қарздорлик Бош китобнинг 13005, 13105 ёки 13205 Берилган муддати ўтган кредитлар сатрида ҳисобга олинади. Шунини айтиб ўтиш керакки ушбу ҳисобрақам “фоиз ишловчи” ҳисобрақам бўлиб, бу ҳисобрақамда автоматик тарзда фоизлар ҳисоблаб борилади ва ушбу фоиз ставкаси муддатли қарз фоиз ставкасига қараганда анча юқори ҳисобланади.

Фоизлар бўйича муддати ўтган қарздорлик Бош китобнинг 16309-Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар сатрида ҳисобга олинади.

Қарздорнинг “Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит” ҳисобда етарлича маблағ бўлмаса, ўз вақтида асосий қарз ва фоиз бўйича тўловларни

тўлай олмаса, банк ўз навбатида маълум қарздорликни муддати ўтган қарздорлик ҳисобрақамига ўтказди. Ҳисобварақларида қуйидаги бухгалтерия қайди билан акс эттирилади:

- *Асосий қарз суммаси*

Дебет 1xx-05 – «Берилган муддати ўтган кредитлар»

Кредит 1xx-01- «Берилган қисқа муддатли кредитлар»

- *Ҳисобланган фоизлар суммаси*

Дебет 16309- «Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар»

Кредит 1xx-01-«Берилган қисқа муддатли кредитлар»

Қарз олувчида муддати ўтган қарздорликни қайтариш учун етарлича маблағ бўлганда, банк қуйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади:

- *қарздорлик бўйича муддати ўтган фоиз тўлови суммаси*

Дебет 10101/202XX-“Оборот кассасидаги нақд пул/мижознинг “Талаб қилиб олингунча” депозит ҳисобварағи”.

Кредит 16309- қарздорлик бўйича муддати ўтказиб юборилган фоизлар

- *асосий қарзни ўтказиб юборганлик учун ҳисобланган фоизлар суммаси*

Дебет 10101/202XX-“Оборот кассасидаги нақд пул/мижознинг “Талаб қилиб олингунча” депозит ҳисобварағи”.

Кредит 16309- муддати ўтган кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар

- муддати ўтган асосий қарз суммаси

Дебет 10101/202XX-“Оборот кассасидаги нақд пул/мижознинг “Талаб қилиб олингунча” депозит ҳисобварағи”.

Кредит 1xx-05- муддати ўтган асосий қарз

Кредитлар шартлари қайта кўриб чиқилган муддатли кредитлар ва уларнинг ҳисоби. Агар маълум сабабларга кўра қарздор фаолият натижаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда, кредит шартномасининг бошланғич шартларини бажара олмаса, кредитнинг асосий қарзи ва фоизини қайтара олмаса, кредит шартлари қайта кўриб чиқилиши ва кредит шартномасига қўшимча келишув шартлари киритилиши мумкин. Кредитни қайта кўриб

чиқиш (кўриб чиқилган мақомига ўтказиш) шунингдек уни муддатини узайтириш, ҳамда кредит асосий шартлари ўзгартириш, янги кредит сифатида ҳисобга олишда бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ўтказмалар берилади:

-асосий қарз суммаси

Дебет 1xx-0v - «қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар» (123-05, 12505,12705,12905,131-05дан ташқари)

Кредит 1xx-01- Муддатли кредит

Бу ерда **0v** – **05**-қайта кўрилган узок муддатли кредит, **09**- қайта кўрилган қисқа муддатли кредит.

Ҳисобланган фоизлар

Дебет 4xx-01x -Берилган муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар

Кредит 16309- Муддати кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар

Дебет 16309- Қайта кўрилган кредит бўйича ҳисобланган фоизлар

Кредит 4xx-0v- Қайта кўрилган кредит бўйича фоизли даромадлар

«Муддати ўтган» кредитларни «қайта кўриб чиқилган» мақомига ўтказиш.

-асосий қарз суммаси

Дебет 1xx-0v-қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар (123-05, 12505,12705,12905,131-05дан ташқари)

Кредит 1xx-05-Берилган муддати ўтган кредитлар

-ҳисобланган фоизлар суммаси

Дебет 4xx-05 Берилган муддати ўтган кредитлар бўйича фоизли даромадлар

Кредит 16309 Муддати ўтган кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар

Дебет 16309- Қайта кўрилган кредит бўйича ҳисобланган фоизлар

Кредит 4xx-0v- Қайта кўрилган кредит бўйича фоизли даромадлар

Кредитнинг асосий қарзи суммаси бўйича ўзгартиришлар билан боғлиқ кредит шартномасини қайта расмийлаштириш, мутаносиб равишда

муддатли мажбурият суммаси ўзгартириш билан амалга оширилади. Қарздор томонидан тўлиқ қарзни тўлагунга қадар Бош китобнинг 919-00-Қарздорларнинг кредит ва лизинг мажбуриятлари (96345-Қарздорларнинг қисқа муддатли кредитлар бўйича мажбуриятлари контр-ҳисобварағи) сатрида ҳисобга олинади.

Банк кредитлари ва кафолатлари бўйича эҳтимолий зарарлар ўрнини қоплаш резервини шакллантириш тартиби. Кредитлар ва уларга тенглаштирилган активлар бўйича эҳтимолий зарарлар (қадрсизланиш) суммасини баҳолаш ҳамда резервга ажратмалар меъёрлари “**Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби**”га (ЎзР Адлия вазирлигида 1999 йил 11 февралда 632-сон билан рўйхатга олинган, ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган), “**Фоишларни ўстирмаслик тўғрисида низом**”га (Адлия вазирлигида 24.01.2004 йилда 1304-сон билан рўйхатга олинган, ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган) мувофиқ белгиланади.

Резервини шакллантириш тартиби. “Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби”нинг (Адлия вазирлигида 1999 йил 11 февралда 632-сон билан рўйхатга олинган, ўзгартиш ва қўшимчалар киритган) 2.6-бандига мувофиқ, кредит биттадан ортиқ тоифа бўйича таснифланиши мумкин.

Филиалларнинг кредитлари бўйича эҳтимолий зарарлар ўрнини қоплаш резервини шакллантириш ва ўзгартириш:

- Банк операцион тизимларида кредит рейтингини ўзгартириш ва бухгалтерия томонидан қайдларни амалга ошириш тўғрисидаги фармойиш

филиал Кредит қўмитаси қарори асосида тайёрланиб, тегишли Баённома расмийлаштирилади.

- Банк филиалда резервлар шакллантирилаётганда кредит муддатига, қарз олувчининг мулкчилик шаклига ва маблағлар манбаига қараб, ҳар бир кредит тури учун алоҳида шахсий ҳисобварақ очилади (баланс ҳисобварағи 121-157 оралиғида бўлади. Унинг 4 ва 5-белгилари 99га тенг, 6 ва 7-белгилари эса 01дан 05гача бўлади).

- Резервлар шакллантириш натижасида олинган харажатларни акс эттириш учун Бош китобнинг 568-02, 568-14, 568-22, 568-38, 568-42 сатрлари бўйича шахсий ҳисобварақлар очилади.

Шакллантириладиган резерв ҳажми кредит ва кафолат бўйича амалдаги қарз суммасига ҳамда уларнинг “Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби”га (ЎзР Адлия вазирлигида 1999 йил 11 февралда 632-сон билан рўйхатга олинган, ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган) мувофиқ белгиланган тоифасига боғлиқ бўлади. Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ кредит ёки кафолат қадрсизлангани тўғрисида ташқи аудит ёки банк мутахассислари томонидан ҳисоблаб чиқарилган маълумотлар мавжуд бўлган ҳолларда резерв кредит ёки кафолатнинг баланс қиймати билан келгусида кутилаётган, кредитнинг дастлабки реал фоиз ставкаси бўйича дисконтланган пул оқимларининг жорий қиймати ўртасидаги тафовут ҳажмида, “Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисида низом”ни (ЎзР Адлия вазирлигида 2004 йил 17 декабрда 1435-сон билан рўйхатга олинган) ҳисобга олган ҳолда шакллантирилиши мумкин.

Эҳтимолий зарарлар ўрнини қоплаш резервини шакллантириш операцияларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби. Кредитлар ва кафолатлар бўйича эҳтимолий зарарлар ўрнини қоплаш резервларига

ажратмалар актив турига қараб, тегишли ҳисобварақлар орқали Банк харажатларига киритилади:

568-02 «Эҳтимолий зарарларни баҳолаш – Кредитлар»;

568-14 «Эҳтимолий зарарларни баҳолаш – Сотиб олинган дебиторлик қарзлари - Факторинг»;

568-38 «Эҳтимолий зарарларни баҳолаш – Лизинг (Молиявий ижара)»;

568-22 «Эҳтимолий зарарларни баҳолаш – Импорт учун векселлар ва маҳаллий векселлар»

568-42 «Эҳтимолий зарарларни баҳолаш – Суд текшируви жараёнидаги кредитлар ва лизинглар»;

568-95 «Эҳтимолий зарарларни баҳолаш – бошқа активлар».

Кредитлар ва кафолатлар бўйича шакллантирилган резерв суммаси банк балансида актив турига қараб акс эттирилади:

1хх-99 «Эҳтимолий зарарлар учун резерв – Кредитлар»;

111-99 «Сотиб олинган дебиторлик қарзлари бўйича эҳтимолий зарарлар учун резерв – Факторинг»;

115-99 «Эҳтимолий зарарлар учун резерв – Импорт учун векселлар ва маҳаллий векселлар»;

156-99 «Эҳтимолий зарарлар учун резерв – Лизинг»;

157-99 «Эҳтимолий зарарлар учун резерв – Суд текшируви жараёнидаги кредитлар ва лизинг»;

199-99-15 “Ижро этилган кафолатлар бўйича эҳтимолий зарарлар ўрнини қоплаш учун резерв”.

Эҳтимолий зарарлар резерви шакллантирилиши ва кўпайтирилиши бухгалтерия ҳисобида тегишлича қуйидаги қайдлар билан акс эттирилади:

Дебет 568-02/ 568-14/ 568-22/ 568-38/ 568-42 / 568-95

Кредит 1хх-99/111-99/ 115-99/ 156-99/ 157-99 /199-99-15.

Резерв камайиши қуйидаги қайдлар билан расмийлаштирилади:

Дебет 1хх-99/ 111-99/ 115-99/ 156-99/ 157-99/ 199-99-15

Кредит 568-02/ 568-14/ 158-22/ 568-38/ 568-42/ 568-95.

Ҳар йили 31 декабрда даромад ва харажатлар ҳисобланаётганда ҳамда баланс чиқарилаётганда 31206 – “Соф фойда (зарар) (актив-пассив)” ҳисобварағидан фойдаланиб, Бош дафтарнинг 568-02, 568-14, 568-22, 568-38, 568-42, 568-95 сатрлари нолга тенглаштирилади.

Банкнинг вакиллик ҳисобварағидаги маблағларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очилган банк активлари бўйича эҳтимолий йўқотишлар ўрнини қоплаш учун мажбурий резервлар ҳисобварағига ўтказиш, у бўйича ҳисоб юритиш ва ҳисобот ишлари “Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби”га (ЎзР Адлия вазирлигида 1999 йил 11 февралда 632-сон билан рўйхатга олинган, ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган) мувофиқ амалга оширилади.

Кредитларни “ўсмайдиган” мақомига ўтказиш ва уларнинг “ўсадиган” мақомини тиклаш тартиби. Яхши таъминланган ва тикланиш жараёнидаги қайтадиган кредитлардан ташқари, асосий қарз ва фоиз тўлови бўйича муддати (қисқа муддатли кредитларда) 60 кундан ошган бўлса, (узок муддатли кредитларда) 90 кундан ошса, неча кун муддати ўтганлигига қарамай асосий ва фоиз қарзининг қайтарилиши шубҳа остида бўлса банк бундай кредитларга фоиз ҳисоблашни тўхтатади ва фоиз ўстирмаслик сиёсати қўлланилади. Бунда барча тушумлар тўла қайтарилгунга қадар, асосий қарзнинг сўндирилишига йўналтирилади. Кредит фоизлари балансдан ташқари ҳисобда (91501) ҳисоблаб турилади ва асосий қарз тўла сўндирилгандан сўнг фоиз даромадга олинади.

Кредитни “ўсмайдиган” мақомига ўтказиш. Кредит “ўсмайдиган” мақомига ўтказилиши қуйидагиларни билдиради:

а) кредит бўйича ҳисобланадиган фоизлар банк балансидаги даромадлар ҳисобварақларига киритишдан тўхтатилиши;

б) илгари ҳисобланган, лекин олинмаган фоизлар балансдан кутилмаган вазиятлар ҳисобварақларига ўтказилиши;

в) кредит бўйича фоизларни ҳисоблаб қўшиш давом эттирилиб, улар Қарз олувчи мажбуриятларининг тўлиқ суммасини тўғри аниқлаш учун кутилмаган вазиятлар ҳисобварақларига ўтказилиши;

г) кредит бўйича келиб тушадиган барча тўловлар биринчи навбатда ҳисоблаб қўшилган, лекин олинмаган фоизларни сўндиришга, кейин эса асосий қарзни қоплашга йўналтирилиши.

Қуйидаги ҳолларда банк балансида фоизли даромадларни ҳисоблаб қўшиш тўхтатиб турилиши керак:

- Кредит бўйича қарзнинг асосий суммасини қайтариш ёки фоизларни тўлаш муддати 60 кун ва ундан ортиқ кечиккан ҳолларда (бир йилгача муддатга берилган кредитлар учун).

- Кредит бўйича қарзнинг асосий суммасини қайтариш муддати 90 кун ва ундан ортиқ кечиккан ҳолларда (бир йилдан ортиқ муддатга берилган кредитлар учун).

- Кредитлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви 1998 йил 9 ноябрда 242-сон билан тасдиқлаган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 11.02.1999 йилда 632-сон билан рўйхатга олинган, ўзгартишлар киритилган) “Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби”га мувофиқ субстандарт, шубҳали ёки умидсиз деб таснифланган ҳолларда.

- Кредит Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларига мувофиқ кадрсизланганда.

Кредитни “ўсмайдиган” мақомига ўтказиш банкнинг ички процедураси бўлиб, у қарз олувчининг банк билан шартномавий муносабатларини ва банк олдидаги асосий қарзни ҳам, у бўйича ҳисобланган фоизларни ҳам тўлашга доир мажбуриятларини ўзгартирмайди. “Ўсмайдиган” мақомидаги

кредит бўйича фоизларни кутилмаган вазиятлар ҳисобварақларида ҳисоблаш ишлари кредит шартномасида белгиланган миқдорларда, муддати ўтган қарздорлик бўйича – шартномада кўрсатилган **оширилган ставка** бўйича давом эттирилади. Банк қарз олувчига асосий қарз ва ҳисобланган фоизлар бўйича қарздорликнинг сўндирилмаган суммаси кўрсатилган ҳисобварақдан кўчирмаларни мунтазам асосда тақдим этиб туриши шарт.

Кредит “ўсадиган” мақомидан “ўсмайдиган” мақомига ўтказилиши унинг муддати турини ўзгартирмайди, яъни қисқа муддатли кредит қисқа муддатлилигича, узоқ муддатли кредит узоқ муддатлилигича қолади.

Кредитга “ўсмайдиган” мақоми берилганда қарздорликни сўндириш навбати қуйидагича:

Кредит бўйича асосий қарзнинг бутун суммаси муддати ўтган бўлса:

а) “ўсмайдиган” мақомидаги кредитлар ва лизинг бўйича олиш учун ҳисобланган муддати ўтган фоизлар (91501-1х);

б) “ўсмайдиган” мақомидаги муддати ўтган кредитлар ва лизинг бўйича ҳисобланган фоизлар (91501-2х);

в) “ўсмайдиган” мақомидаги асосий қарз – муддати ўтган.

Агар кредит графикка мувофиқ сўндирилаётган бўлса:

а) “ўсмайдиган” мақомидаги кредитлар ва лизинг бўйича олиш учун ҳисобланган муддати ўтган фоизлар (91501-1х); **б)** “ўсмайдиган” мақомидаги муддати ўтган кредитлар ва лизинг бўйича ҳисобланган фоизлар (91501-2х);

в) “ўсмайдиган” мақомидаги асосий қарз – муддати ўтган;

г) кредитни сўндириш графигида белгиланган муддатларда ва кредит шартномасида белгиланган фоизларни тўлаш саналарида “ўсмайдиган” мақомидаги муддатли кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар (91501-0х) ва тўлов муддатлари ҳали келмаган “ўсмайдиган” мақомидаги асосий қарз.

Фоизлар охириги марта киритилган санадан бошлаб ҳар бир кредит ҳисобварағи бўйича улар алоҳида-алоҳида қайта ҳисобланади.

Агар кредитнинг мақоми ўзгарган вақтга келганда унинг муддати ўтган фоизлари мавжуд бўлса, у ҳолда “Кун охири” процедурасига қадар қуйидаги ишлар бажарилиши зарур:

- муддати ўтган фоизлар ҳисоби юритиладиган 16309-1х сонли миқдор ҳисобварағи қолдиғини тегишли даромад ҳисобварағи қолдиғига қараб сторнолаш;
- қўйилмаган вазиятлар ҳисобварағида муддати ўтган фоизлар ҳисоби юритиладиган 91105-1х сонли миқдор ҳисобварағида ўша сумманинг ўзида қўйиб қайтариш.

Кредитни “ўсмайдиган” мақомига ўтказиш ва унинг “ўсадиган” мақомини тиклаш ишларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби. Кредит мақоми банк балансида Бош дафтар кодларининг 6-белгисида акс эттирилади. Кредит ҳисобварақлари Бош дафтари кодларининг 6-белгиси “ўсадиган” мақомидаги кредитлар учун “0”га ва “ўсмайдиган” мақомидаги кредитлар учун “1”га тенг бўлиши керак. Кредит бўйича ҳисобланган, лекин қўйилмаган фоизларни баланс ҳисобварақларидан қўйилмаган вазиятлар ҳисобварақларига ўтказиш учун қуйидаги бухгалтерия қайдлари бажарилади:

Дебет 41600/451XX- Кредитлар ва лизинг бўйича фоизли даромадлар” (қарз турига қараб: муддатли, муддати ўтган, қайта қўйиб чиқилган).

Кт 16309-16323-“Кредитлар ва лизинг бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар”.

Кредитга “ўсмайдиган” мақоми берилганидан кейин ҳисобланган, лекин қўйилмаган, қўйилмаган муддати ҳали келмаган фоизлар қўйилмаган вазиятлар ҳисобварақларида қуйидаги бухгалтерия қайди билан акс эттирилади:

Дебет 91501-0X- Кредитлар ва лизинг бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар

Кт 96335- Активлар ҳамда воситачилик ҳақи бўйича фоизларга доир контр-ҳисобварақ.

Кредитга “ўсмайдиган” мақоми берилганидан кейин ҳисобланган, лекин тўланмаган, кредит “ўсадиган” мақомида бўлган вақтда тўлов муддати ўтиб кетган фоизлар кутилмаган вазиятлар ҳисобварақларида қуйидаги бухгалтерия қайди билан акс эттирилади:

Дебет 91501-1х- Муддатли қарзлар бўйича муддати ўтган фоизлар.

Кт 96335- Активлар ҳамда воситачилик ҳақи бўйича фоизларга доир контр-ҳисобварақ

Кредитни “ўсмайдиган” мақомига ўтказиш жараёнида ҳисобланган муддати ўтган фоизлар бўйича сторно қайдлари қилинаётганда тегишли даромад ҳисобварақларида маблағлар етарли бўлмаса, даромад ҳисобварақларида овердрафт юзага келишига йўл қўймаслик мақсадида, 2-сон бухгалтерия ҳисоби миллий стандартининг 22-моддасига мувофиқ, фоизли харажатлар ҳисобварақларидан фойдаланиш зарур (Бош дафтарнинг 54902 “Бошқа фоизли харажатлар” сатри).

Кутилмаган вазиятлар ҳисобварақларида кредит бўйича фоизларни бундан буён ҳисоблаб қўшиш давомида бу фоизлар ҳар ойда қуйидагиларга ўтказилади:

91501-0х ҳисобварағига – муддатли кредитлар ва лизинг бўйича;

91501-0х ҳисобварағига – муддатли кредитлар ва лизинг бўйича;

“Ўсмайдиган” мақомидаги кредит бўйича фоизларни сўндириш учун қарз олувчидан маблағлар келиб тушганда қуйидаги бухгалтерия қайди бажарилади:

Дебет 10101/202XX-“Оборот кассасидаги нақд пул/мижознинг “Талаб қилиб олингунча” депозит ҳисобварағи”.

Кт 41600-45100-“Фоизли даромадлар”.

Шу билан бир вақтда, ҳисобланган ва кутилмаган вазиятлар ҳисобварақларида ҳисоби юритилаётган фоизлар қуйидаги қайд билан ҳисобдан чиқарилади:

Дебет 96335-“Активлар ҳамда воситачилик ҳақи бўйича фоизларга доир контр-ҳисобварақ”.

Кт 91501-“Кредитлар ва лизинг бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар”.

Кредитга “ўсадиган” мақоми қайтарилаётганда ҳисобланган фоизлар

А) қуйидаги қайд билан кутилмаган вазиятлар ҳисобварақларидан чиқарилади:

Дебет 96335-00-“Активлар ҳамда воситачилик ҳақи бўйича фоизларга доир контр-ҳисобварақ”. Кт 91501-0х-“Кредитлар ва лизинг бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар”.

Б) қуйидаги қайд билан балансда тикланади:

Дебет 16309-2х (6х) -“Олиш учун ҳисобланган фоиз”.

Кт 41600-44700-“Фоизли даромад”.

Ўстирилган муддатли фоизларни балансда тўғри акс эттириш мақсадида фоизлар бўйича охирги ҳаракат санаси (охирги марта фоизлар қўшилган сана) “ўстирилмайдиган” битимни тугаллаш санаси (ва “ўстириладиган” битимнинг бошланиш санаси) сифатида олинади.

Муддати ўтган кредит ва фоиз тўла сўндирилгач ёки қайтарилишига шубҳа қолмаса фоиз ўстириш сиёсатига ўтказилади. Фоиз ўстирмаслик сиёсатининг қўланилиши миқдорнинг кредит шартномаси шартларини бажариш мажбуриятидан озод қилмайди.

Хулоса

Тижорат банкларининг активларини бошқариш банкнинг ликвидлигига зиён етказмаган ҳолда, активлар даромадлилигининг мўътадил ва барқарор даражасига эришиш тамойилига асосланади. Ушбу тамойилга риоя этмаслик натижасида республикамизнинг қатор йирик тижорат банкларида муаммоли активларнинг юқори даражада эканлиги, банк активларининг даромадлилигига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларида активлар сифатини яхшилаш, қайтарилмаган кредитларни ундириш банк активлари мониторингини тўғри ташкил этишни талаб қилади.

Республикамизнинг бир қатор тижорат банкларида кредит операциялари бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этишда муаммоларнинг мавжудлиги кўзга ташланмоқда.

Ўзбекистон Республикасида гаровга қўйилган мулкларни рўйхатга олиш тизимини (Гаров реестри) ташкил этиш ва ушбу тизим орқали кредиторларнинг гаровга қўйилаётган мулк ва унинг эгаси ҳақидаги маълумот билан таъминлаш, гаров ахборотининг ошкоралигини таъминлаш, бу эса маълум миқдорда муаммоли кредитларни вудудга келмаслигини ҳамда тезроқ ундирилишига ёрдам беради.

Банкларнинг кредит портфелларининг шаклланиш сифати ва ишончлилиқ даражасини ошириш, Ўзбекистон тижорат банкларининг муаммоли кредитларини бошқариш ва минималлаштириш, кредит рискларини камайтириш ва тижорат банкларининг молиявий ҳолатини барқарорлаштириш имконини яратади.

Тижорат банкларларининг активларини бошқариш уларни нафақат даромад олиш, балки акциядорлар, омонатчилар ва мижозлар олдидаги ўз мажбуриятларини доимий сақлаб туриш, келгусидаги хавф хатар ва йўқотишларни олдини олиш ва пироворд натижада юқори даромад олишига замин бўлади.

Малакавий битирув ишини бажариш жараёнида амалга оширилган таҳлилларнинг натижаларига асосланган ҳолда, ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк” минтакавий филиалида муаммоли кредитларни тартибга солишни ҳамда бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш бўйича қуйидаги хулосаларни ва таклифларни шакллантиришга муваффақ бўлдик:

1. 2009-2013 йиллар мобайнида республикамиз тижорат банклари кредит қўйилмалари мутлоқ миқдорининг ўсиш тенденцияси кузатилди ва у республикамиз банкларининг ресурс базаси ҳажмининг ошиб бораётганлиги билан изоҳланади.

2. 2009-2013 йиллар мобайнида республикамиз банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий ҳажмида қисқа муддатли кредитлар салмоғининг пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги ушбу давр мобайнида узок муддатли кредитлар салмоғининг ошиб борганлиги билан изоҳланади.

3. Кредитлар бўйича ҳосил қилинган захиралар кредит рискларининг амортизатори вазифасини бажарсада, банкнинг тўловга қобиллигига тўғрдан-тўғри хавф солади. Чунки кредитларнинг юқори рисклилиқ даражаси банкнинг ўз маблағларини маълум қисмини йўқотилишига олиб келиши мумкин.

4. Тижорат банкда муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғини пасайтириш мақсадида:

- банк томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда бизнес-режалардаги кўрсаткичларнинг ишончли эканлигини текшириш ва уларга таъсир қилувчи омилларни баҳолаш тартибини такомиллаштириш лозим;

-ўзини оқламаган лойихаларга берилган кредитларнинг гаров таъминотини сотишни тезлаштириш ва бошқа таъминот объектлари реализацияси ижросини таъминлаш;

5. Тижорат банки ходимларининг кредит олувчиларнинг молиявий ҳисоботлари кўрсаткичларининг ишончлилигини аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш борасидаги билим ва малакаларини оширишни таъминлаш асосида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тартибини такомиллаштириш лозим.

6. Кредит ҳужжатларини тижорат банкининг Кредит қўмитасида кўриб чиқиш жараёнини такомиллаштириш лозим.

7. Республикамиз тижорат банкларининг кредитлардан олинадиган фоизли даромадларининг ялпи даромад ҳажмидаги салмоғининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида:

биринчидан, кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғини пасайишига йўл қўймаслик зарур; иккинчидан, кредитлар фоиз ставкаларининг кескин тебрашининг олдини олиш лозим; учинчидан, муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи кўрсаткичининг меъёрий даражасини таъминлаш зарур.

8. Тижорат банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш орқали уларнинг кредит эмиссияси миқдорини ошириш зарур.

9. Тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларининг барқарорлигини таъминлаш ва суғурта қоплаш суммаларини ўз вақтида ундирилишига эришиш йўли билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига берилган кредитларнинг қайтарилиш даражасини ошириш.

10. Кредит бериш жараёнида мижознинг молиявий ҳисоботларини бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичларига мос келишини аудиторлик хулосаси билан биргаликда уларнинг ўзаро боғликлигини текшириш.

Юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал этиш учун бизнинг фикримизча, тижорат банкларида актив операцияларини бухгалтерия

ҳисобини тўғри ташкил этиш, тижорат банкининг муаммоли активлар олдини олиш самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1.Ўзбекистон Республикаси Қонунлари:

- 1.1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.Шарқ, 1992 йил.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни. 1995 йил 21 декабрь.
- 1.3.Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1996 йил 25 апрель.
- 1.4 Ўзбекистон республикасининг “Банк сирини тўғрисида”ги Қонуни. 2003 йил 30 август.
- 1.5.Ўзбекистон Республикасининг “Микромолиялаш тўғрисида”ги Қонуни. 2006 йил 15 сентябр..

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки меъёрий ҳужжатлари.

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 9 ноябрдаги 242-сон “Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган заҳирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш” Тартиби.
- 2.2 Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 2 декабрдаги 556-сон “Банклар ўртасида ва уларга дахлдор шахслар билан ўтказиладиган операциялар тўғрисида”ги Низоми.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 2 декабрдаги 557-сон “Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор бўлган қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи рискнинг энг юқори даражаси тўғрисида”ги Низоми.

2.4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил 22 февралдаги 429-сон “Тижорат банклари кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар тўғрисида” ги Низоми.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил 2 мартдаги 432-сон “Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит ҳужжатларини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низоми.

2.6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2004 йил 21 майдаги 575-сон “ Кредит ахбороти миллий институтининг маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда Банклараро кредит бюросига ва тижорат банкларига кредит ахборотлари тақдим этиш тартиби тўғрисида”ги Низоми.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари.

3.1. И.А.Каримов “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. –Т.: Ўзбекистон, 1995.

3.2. И.А.Каримов “Бизнинг бош мақсадимиз- жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир”. –Т.: Ўзбекистон, 2005.

3.3 И.А.Каримов “Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида”. -Т.: Ўзбекистон, 2005

3.4. И.А.Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. – Т.: Ўзбекистон, 2009 йил

3.5. И.А.Каримов «Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”.- Т.: Ўзбекистон, 2010 - 56б.

3.6. И.А.Каримов “*Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш-барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир*”.// Халқ сўзи, 2008 йил 9 феврал.

3.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ги ПҚ-1438 сонли Қарори.

3.8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

4. Китоблар, монографиялар, дарсликлар, мақолалар тўплами.

4.1. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш.- Т.: Молия, 2002. -304б

4.2. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. Дарслик.-Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008.

4.3. Алавердов А.Р. Стратегический менеджмент в коммерческом банке: учеб. /А.Р.Алавердов. – М.: Маркет ДС, 2007 – 576с

4.4. Банковский менеджмент: Учебно-практическое пособие. – М.: Издательство «Альфа-Пресс», 2007 – 444с.

5. ИНТЕРНЕТ РЕСУРСЛАРИ.

5.1 www.bankir.uz

5.2. www.uba.uz

5.3. www.uza.uz

5.4. www.cbu.uz

5.5. www.google.co.uz

5.7. www.bfa.uz

5.8. www.ncstu.ru

5.9. www.ilax.ru/economics.ru/banki/64-kreditnyi-portfel-banka.html

5.10. www.bank.uz

- 5.11. www.uzreport.uz
- 5.12. www.mdco.ru
- 5.13. [www.gfs brochure 2009.ru](http://www.gfs.brochure2009.ru)
- 5.14. www.ifc.org/rbap
- 5.15. www.asros.ru
- 5.16. www.agrobank.uz
- 5.17. [http://www.cbr.ru/analytics/bank_system/ obs 080801.pdf](http://www.cbr.ru/analytics/bank_system/obs_080801.pdf)
- 5.18. www.finance.uz
- 5.19. www.stat.uz
- 5.20. www.mikrokreditbank.uz